O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • 2003-yil, 7 феврал • № 6 (3690)

9 феврал — Алишер Навоий туғилган кун



Абдулла ОРИПОВ, Ўзбекистон Қаҳрамони

Ўзлигимиз тимсоли

Ҳар йили милодий ҳисоб билан 9 феврални халқимиз ажиб бир интиқлик, гўзал ҳаяжон, ифтихор ва қониқиш билан кутиб олади. Етти ёшдан етмиш яшаргача барча юртдошларимиз бир-бирларини қутлаб, "Бугун бобомизнинг туғилган кунлари", деб қўядилар.

Мамлакатимизда бирон-бир фуқаро йўқки, Навоий бобомиз ҳақида гап очилганда, у зотнинг бирон фазилатини айтмаган бўлса. Шубҳасиз, бобомизни даҳо шоир дейиш баробарида ҳазратнинг улкан арбоб эканлигини ҳам эслайдилар. Фаолиятлари ҳақида гап кетганда, у зотнинг сулҳпарвар эканликларини албатта таъкидлайдилар.

Дарҳақиқат, ер юзида яшаб ўтган нене улуғ шоирларнинг ҳаётини кўз олдимизга келтирсак, улар орасида Алишер Навоий сиймоси ўзгача бир нур билан чулғанган ҳолда намоён бўлади. Хаёлпарастлик бўлса-да, бир гапни айтгим келаётир: агар вақти замон дафъатан эврилиб, Навоий бобомизнинг дийдорлари насиб этиб қолсайди, мен у киши билан нималар ҳақида, қандай тарзда сўзлашишни яхши билардим. Демоқчиманки, бобомизнинг феъли атворлари ҳам, нимани ёқлаб, нимани рад этишлари ҳам бизга ғоятда таниш бир ҳолга айланиб қолган. У зот тўла маънода ўзимизнинг одамга айланиб кетганлар.

Бугунги кун пиллапояларидан туриб, Навоий даврига назар ташлайдиган бўлсак, кўпгина воқеа ва ҳодисаларда, айрим муаммоларнинг шаклу шамойилида ўхшашликлар борлигини кузатиш мумкин. Жумладан, мамлакатнинг тинчлиги, раъият — фуқаронинг осойишталиги ҳозирги замонда ҳам долзарблигича турибди. Алишер Навоийнинг наинки ижоди, балки фаолияти ҳам мана шу тинчлик, мана шу осойишталикни таъминлаш билан боғлиқ ҳолда кечганлигини яхши биламиз. Дейлик, ўша чоғлар Балхдами ёхуд Астроободдами бирор бузғунчилик юз берган бўлса, эндиликда улар қай бир жойларда терроризм кўринишида намоён бўлаётир ва ҳоказо.

Кўриниб турибдики, инсон болалари ва улар уюшган жамиятларнинг муаммолари ҳануз ўзининг идеал даражадаги ечимини топган эмас. Ўша замонларда бўлгани сингари, ҳозирги кунларда ҳам давлат ўз сарҳадларини қўриқлашга мажбур. Ҳозирги кунларда ҳам Ватан ҳимояси ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи бўлиб қолмоқда. Алишер Навоийнинг мана бу байтини эслайлик:

Иёлу Ватан узра то жони бор,
Киши ҳарб этар токи имкони бор.

Ушбу байтнинг мазмуни, шоирнинг даъват ва хулосаси эскирган эмас, эскирмайди ҳам. Биз Мустақиллигимизнинг таянчи ва суянчиғи бўлмиш ўз миллий армиямизни шакллантириб турибмиз. Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий бош қўмондони Ислом Каримовнинг куни кеча нашр этилган **"Миллий армиямиз — мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир"** номли китобларида мамлакатимиз тинчлигини, мустақиллигимиз барқарорлигини таъминлаш борасидаги бурч ва вазифаларимиз аниқ-тиниқ баён этиб берилган.

Магарки, ушбу саъй-ҳаракатларимиздан Алишер Навоий хабардор бўлганларида, у зот фаолиятимизни наинки тушунган, балки дилдан қўллаб-қувватлаган бўлар эдилар.

Навоий бобомиз нафақат бизнинг ифтихоримиз, балким ўзлигимиз тимсолига айланиб кетган, десам янглишмаган бўламан. Яъни Навоийга эҳтиром кўрсатган одам, шубҳасиз, ўзбек халқига эҳтиром кўрсатган бўлади. Ёхуд, аксинча, бобомизнинг шаънига ғаюрлик билан қарайдиганларнинг мақсади миллатимизни камситишга уриниш деб ҳисобланмоғи керак. Ушбу хулосаларимиз авваламбор ўзимизга тегишлидир. Юртбошимиз миллий қадриятларимизни тиклаш ва эъзозлаш борасида муттасил, изчиллик билан иш олиб бормоқдалар. Ана шу қадриятларимизнинг улуғвор ва муҳташам сафида Навоий сиймоси ярқираб кўзга ташланиб турибди.

Замонлар оша халқимиз билан ҳамқадам бўлиб келаётган Алишер Навоий ҳазратларига қуллуқ ва таъзим баробарида, у зотга муносиб ворис бўлмоқлик — биз учун энг олий шарафдир!

«ЎЗБЕК АДАБИЁТИ» ИНТЕРНЕТДА

Диққат: янгилик!

Ўзбек адабиёти ва унинг намояндалари, адабий-илмий жараён янгиликлари, нодир китоблар, адабий асарлар, адабий нашрлар ҳақидаги маълумотларни янги технологиялар асосида дунёга олиб чиқиш, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг халқаро алоқаларини янада ривожлантириш мақсадида Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети базасида интернетнинг «Ўзбек адабиёти» сайти яратилди. Шу муносабат билан Миллий университетда ёзувчилар, олимлар ва адабий-илмий жамоатчилик намояндалари иштирокида бўлиб ўтган тақдимотни университет ректори Т.Долимов очиб, қисқа муддатда амалга оширилган ана шу янгилик боис вужудга келган имкониятларнинг беқиёс аҳамияти ҳақида сўзлади.

Интернетнинг «Ўзбек адабиёти» сайти ўзбек, инглиз ва рус тилларида ўзбек адабиётининг энг қадимги даврига оид манбалардан бошлаб, ҳозирги даврда яшаб, ижод қилаётган атоқли шоирлар, ёзувчилар, адабиётшунос олимларнинг ҳаёти, ижоди, тарихий аҳамиятга молик адабий-бадиий асарлар, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг фаолияти, унинг хорижий алоқалари, даврий адабий нашрлар, адабий жараёндаги янгиликлар ҳақида маълумотлар, бадиий асарлардан намуналарни қамраб олади.

Ўзбекистон Президенти Давлат маслаҳатчисининг ўринбосари Аҳмаджон Мелибоев, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов, таниқли адабиётшунос олим Озод Шарафиддинов, Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари Рустам Қосимов, интернетда «Ўзбек адабиёти» сайтини очиш бўйича лойиҳа муаллифларидан таниқли олимлар — Абдулла Аъзамов, Аваз Марахимов ва бошқалар интернет тармоғидан фойдаланувчиларнинг адабиётимиз ва мамлакатимиз ҳақидаги тасаввурлари тўғри шаклланиши билан боғлиқ масалалар, мамлакатимизнинг тинчликсевар сиёсатини, халқимизнинг ўзига хос турмуш тарзи ва менталитетини тарғиб қилишда бадиий адабиётнинг имкониятларидан унумли фойдаланиш, турли мамлакатлардаги зиёлилар, маънавият ва маърифат намояндалари, адабиётимиз мухлислари билан мулоқотда ҳар икки томон учун ўзаро манфаатли алоқаларни йўлга қўйиш тўғрисида сўзлаб, бу борада интернетдаги сайт туфайли юзага келган имкониятларга катта баҳо бердилар.

Шуни айтиш керакки, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети олимларининг, айни пайтда Ёзувчилар уюшмаси фаоллари ва таниқли адабиётшунос олимларнинг саъй-ҳаракатлари билан яратилган бу сайт интернетдан фойдаланувчи, айни чоғда ўзбек адабиёти ва унинг янгиликлари билан қизиқувчилар учун катта имкониятлар очади.

Интернетнинг «Ўзбек адабиёти» сайтида маълумотлар қуйидаги тартибда жойлаштирилган:

Қадимги ёдгорликлар: милодий VII асргача; VIII — XIII асрлар.

Ўзбек мумтоз адабиёти (XIV аср — XIX асрнинг биринчи ярми): Темурийлар даври адабиёти; XVI аср — XIX асрнинг биринчи ярми.

Янги ўзбек адабиёти (XIX асрнинг иккинчи ярми — XX аср): Миллий Уйғониш даври (XIX асрнинг иккинчи ярми — XX аср бошлари); Жадид адабиёти даври (1905 — 1930-йиллар); XX асрнинг 30 — 80-йиллари адабиёти; Мустақиллик даври адабиёти (XX асрнинг 90-йилларидан).

Интернетдаги «Ўзбек адабиёти» сайтида етмишдан ортиқ адабиёт намояндалари, улар ёзган асарлар, нашр этилган китоблар, ўнга яқин адабий газета ва журналлар ҳақидаги маълумотлар уч тилда жамланган. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» мухлислари ҳам бундан буён интернетдаги шу сайт орқали газетанинг ҳар бир сонидаги мақолалар мазмуни, адабий жараён янгиликларига доир маълумотларни олишлари мумкин.

Интернетдаги «Ўзбек адабиёти» сайти ундан фойдаланувчиларни ягона ахборий муҳитда учраштиради ва уларга ўзаро мулоқот қилиш, баҳс-мунозара олиб бориш имконини беради.

«Ўзбек адабиёти» интернет сайтига қуйидаги тартибда боғланиш мумкин:
www.literature.uz



ҚУРБОН ҲАЙИТИ КЕЛАЁТИР

Имом Бухорий ҳадисларидан бирида айтилишича, Расулуллоҳ (алайҳиссалоту васаллам) Қурбон байрами хутбасида шундай деганлар: «Бугун байрам (ҳайит). Байрамимизни аввало қурбон намозини ўқиш билан бошлаймиз. Сўнгра уйимизга қайтиб, қурбонлик қиламиз. Ким шу шаклда ҳаракат қилса, ҳайитни сунатимизга мувофиқ кутиб олган, қутлаган бўлади». Пайғамбар алайҳиссалом ҳайитни «емоқ, ичмоқ ва Оллоҳни зикр этиш кунлари», деб таърифлаганлар. Дарҳақиқат, бу кунда мусулмонлар шариат доирасида зиёфатлар уюштирадилар, сайру саёҳат қилиб, Оллоҳга ҳамду сано ўқиб, шукр этадилар. Зеро, бу кун Оллоҳ томонидан байрам сифатида тавсия этилган.

Ҳайит куни инсон, аввало, покликка риоя қилиши лозим. Уй-жойларини супуриб-сидириб, ўзига қараши, покланиши, тоза ва озода либосларини кийиши суннат амалларидан экан. Ҳайит кунининг шарофати инобатга олиниб, ҳатто бу кунда рўза тутиш ҳам ҳаром дейилган. Аксинча, имкони бор мусулмонлар етим-есир, беморларни сийлаши, инфоқ-эҳсон қилиши, уларнинг кўнглини олиши, ота-она, устозларни ҳайит билан табриклаш ҳам катта савоб.

Ҳайит куни хафалашган мусулмонлар бир-бирини кечириши, Оллоҳ ризоси учун бир-бирининг кўнглини кўтариши керак бўлади. Бироқ зинҳор ҳайит кунини азага айлантириб, бидъатга, хурофотга йўл қўймаслик лозим. Баъзилар шундай улуғ байрам куни уйларини фотиҳахонага, азахонага айлантириб юборадилар. Марҳумларни эслаш учун дуойи фотиҳага келувчиларни эшик олдида қатор бўлиб, тўн кийиб, белбоғ боғлаб, қўл қовуштириб кутиб оладилар. Ҳайит куни бу яхши одат эмас. Ҳайитни ҳайитдек ўтказиш лозим.

Оллоҳга аталмаган, мозорларга, қайсидир авлиё ва шаҳидларга атаб сўйилган ҳар қандай жонлиқ шариатимизда ҳаром ҳисобланади. Шу ишни бажарган шахс эса куфрга йўл қўяди. Айнан ҳайит куни мозорларга жонлиқ сўйиб, назру ниёз қилиб, гуноҳга ботувчилар ҳам бордирки, уларни иложи борича бу йўлдан қайтариш шарт.

Ҳайит куни Оллоҳга дуолар қилишимиз, тилакларимизнинг ижобат бўлишини исташимиз, Ҳаж сафарига кетган юртдошларимиз, биродарларимизнинг омон қайтишларини сўрашимиз лозим.

Илоҳи, қурбон ҳайитини қутли, баракали, нурли қил. Ҳайитни ҳайитдек кутиб олишни, қалбларимизда мустаҳкам иймон, тансиҳатлик ва орият ато қил. Элимиз, юртимиз тинч-омон, фаровон, файзга кон бўлсин!

Қурбон ҳайити келди,
Қурбонликлар муборак.
Такбир ташриқ, саломлар,
Дармонликлар муборак.

Умматига ҳикматдир,
Пайғамбарнинг ҳар сўзи.
Қурбон куни байрам деб,
Буюрмишдир Ҳақ ўзи.

Демак, шукр бу лутфга,
Раҳмат инар самодан.
Кўнгил эшигин очинг,
Ғофил қолманг дуодан.

Улуғ айём қутлуғ кун,
Олам файзга тўлади.
Қадрин билсак дўстларим,
Ҳар тун қадр бўлади.

Сайфиддин РАФИДДИНОВ

МАҲАЛЛА ГУЗАРИДА

Маданият ишлари вазирлиги Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар маркази Шайхонтоҳур туманининг «Тинчлик» маҳалласи гузарида «Тўйларимиз ҳақида ўйларимиз» мавзуида давра суҳбатини ўтказди. Тадбирда Республика «Маҳалла» жамғармаси раисининг биринчи ўринбосари Н.Абдуллаев, Тошкент шаҳар «Маҳалла» жамғармаси раиси ўринбосари А.Азизова, Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий дизайн ва рассомлик институти ректори У.Қорабоев, «Маҳалла» газетаси бош муҳаррири Ч.Латипов, халқ ижодиёти маркази раҳбарининг ўринбосари Ў.Тоҳиров ва бошқалар тўйларимиз ҳақидаги фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

«Ҳосил» халқ мақом ансамблининг раҳбари М. Мирмаҳмудов, хонанда М. Қозоқбоев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист С. Раметова, «Гавҳар» ансамбли раҳбари О. Ёқубовалар ижросидаги куй-қўшиқлар кечага файз бағишлади.

Равшан ЖЎРАЕВ

Ваҳоб РАҲМОНОВ

СЎЗ ЖАҲОНГИРИ

Олимларимиз Навоийнинг ҳар бир ғазали ҳақида биттадан китоб ёза олсалар, нур устига нур бўларди. «Қаро кўзум» ғазали ҳақида бир китоб ёзса бўлмайдимми?

3-бетда

4-бетда

Собир ЎНАР:
Айниқса, қишлоқдаги одамга қарз бер, қудуққа тушган тангадай минг йилдаям қайтмайди, емиш олади, буғдой олади, емишни моли, буғдойни ўзи еб кўяди, кейин бакрайиб: еб кўйдик, деб ҳиқиллаб тураверади.

Мукамбар РАҲИМОВА:

"Оташин муҳаббат" можаролари ўзбек хонадонида ота-она ва фарзандлар ҳамжиҳатлигида кўришга арзийдими?

6-бетда

БУГУННИНГ АСАРИ

Мен Нормурод Норқобилов ижодини кўпдан бери кузатиб келаман. У асосан қишлоқ ҳаётини қаламга олади. Қаҳрамонлари инки дунёсини яхши билиши, улар руҳиятига теран назар ташлай олиши ёзувчини бошқа адиблардан ажратиб туради.

Кейинги пайтда адибнинг бадиий маҳорати ҳар жиҳатдан ўсганлиги кўзга ташланмоқда. Мен унинг газетанинг ўтган сонида эълон қилинган «Қуёш тутилган кун» ҳикоясини ўқиб, бунга амин бўлдим.

Ҳикояда маънан қашшоқликка яқҳол тимсол бўлувчи қишлоқдаги руҳий-маънавий муҳит теран ёритилган. Шу асосда муаллиф одамлардаги мақсад, улар турмушидаги мазмун билан қизиқади ва бу бир қадар руҳсиз, шафқатсиз муҳитда Собир полвон сиймоси жуда ёркин гавдаланади. Ҳикоядаги Қиз — ҳимоясиз қалб тимсоли. Боборайим гов разиллик ва ёвузлик тажассумига айланган. Бундан Эзгулик ва Ёвузликнинг кураши абадий эканлигини ўқувчи чуқур ҳис этади...

Эътироф

Ҳикояни тўлиқ гапириб бериш ниятим йўқ. Зеро, бу мухтасар мулоҳазадан мақсад ҳикояни мақташ ҳам эмас. Кўнглимдан ўтган бир гап шуки, бу ҳикоя жуда кинобоп экан. Ўзбек кинои мана шунақа миллий колоритли, ўткир драматизм заминига қурилган асарлардан илҳомланса, чакки бўлмасди.

Мирпўлат МИРЗО

ВАТАН ҲИМОЯСИ — ИЙМОН БЕЛГИСИ

Мулоҳаза

Шаҳзодалар, аслзодаларни болаликдан санъатга ўргатганлар. Баҳодирларга ундан дарс берганлар. Суворийларни, навкарларни унга ошно этганлар. Деганларки, куч бир тарафу уни ишлата олиш санъати бир тараф. Яна ҳам тўғрироғи, куч санъатда, маҳоратдадир.

Амир Темур дейди: «Йўлда кечаси ҳеч кутилмаганда менга мингта отлиқ ҳужум қилди. Мен олтмишта баҳодирим билан енгдим. Бу муқотил жангда олти юз кишининг боши узилди. Кейин мен Тўқал Баҳодур билан яккама-якка олишдим ва уни енгдим. Баҳодур мен билан олишганидан афсусланди».

Яна бир саваш тафсилоти ҳақида гапириб, у бундай дейди: «Менинг аскарларимнинг сон-саноғи ҳақида душманни ғафлатда қолдиришим керак эди. Шунинг учун аскарларимга мумкин қадар чанг-тўзон кўтаришларини буюрдим. Кашга яқинлашганларида аскарлар отларининг иккала ёнига узун шох-шаббалар бойлаб, шаҳар тарафга чоптириб, чанг кўтардилар. Менинг баҳодирларимнинг ҳужуми Кашдаги Илёс Хожа аскарларида даҳшат уйғотди. Улар баҳодирларимга ҳеч қандай қаршилик кўрсата олмай, дарҳол тум-тарақай бўлиб қочдилар».

Бунга ўхшаш усулларни ҳазрати Амир кўп ишлатганлар. Хутталондаги жанг олдидан унинг ихтиёрида олти минг аскар бўлган ва душман чериги ўттиз минг кишини ташкил этган. «Мен у ерда жангга кирмадим-да, — дейди Амир Темур, — чап бериб, аскарларим билан бошқа тарафга сурилдим. Душманлар мен улардан қўрқиб, чекинди деб ўйлаб, орқамдан қувмадилар ва хотиржамлик билан ўз жойларида қолиб, менга қарши бирор эҳтиёт чоралари кўрмадилар. Мен эсам олдингга фақат тўрт фарсах юриб, сўнг орқага бурилдим. Қарасам, душман беғамлик билан дам олиб ўтирар ва менинг қайтишимни ҳеч кутмаётган эди. Шу топда мен душман устига тўсатдан ҳужум қилдим. Душман катта қўрқувга тушиб, пароканда бўлди, ҳар тарафга қочди. Қочқинларнинг кўпини биз тутиб олдик».

Эркин САМАНДАР

Булар ҳаммаси ҳарб санъати қирраларидир. Улар беҳисоб. Барининг замирида зийраклик, огоҳлик, топқирлик, довюраклик хислатлари ётади. Барида Инсон ва унинг қалби тажассум топади. Санъат, маҳорат ана шу қалбдан сув ичади ва ҳаволанади.

Ҳар гал оғир жанг олдидан ва саваш пайти Амир Темур қуйидаги рубоийни ёд айтар экан:

Эй, қаронги кечани иқлиму иқбалстон этган,
Бир лаҳзада оламни гулистон этган.
Бас, мушкул ишим тушибдир, осон этгил,
Эй, барчанинг мушкулин осон этган.

Боязид билан бўлган жангда бу рубоийни у етмиш марта такрорлайди ва ундан руҳ олиб, ғалабани қўлга киритади.

Бу эътиқод самараси, ишонч мевасидир.

Яна бир буюк саркарда ва Султон Жалолиддиннинг мўғуллар билан биринчи катта тўқнашуви Қандаҳорда рўй беради. Шу пайтгача қўли доим баланд келиб, яъжуж-маъжуждар деб ном олган чингизийлар Қандаҳорда Жалолиддин қиличидан енгиладилар. Бундай бўлишини ўйлаганини ва ундан руҳ олиб, ғалабани қўлга киритдим

ЎЗБЕК ҚОМУСИ

4-ЖИЛД

Ўзбекистон миллий энциклопедиясининг тўртинчи жилди нашр этилди. Ушбу жилдда ҳам фан, техника ва маданиятнинг барча соҳаларига оид ранг-баранг мавзудаги мақолалар билан танишиш мумкин. Унда жами 4000 га яқин мақола бор, 1700 дан ортиқ рангли ва оқ-қора суратлар, кўплаб хариталар берилди. Мақолаларни ёзиш ва тайёрлашда 500 дан ортиқ муаллиф, жумладан Ўзбекистон ФА академиклари, фан докторлари, номзодлари, турли касбдаги мутахассислар иштирок этишди. Қуйида мазкур жилддан ўрин олган айрим мақолаларни газетхонлар эътиборига ҳавола қиламиз.

ИДЕАЛ

ИДЕАЛ (юн. idea – тимсол, ғоя, тушунча) – бирор нарса, воқеа ва ҳодисанинг олий намунаси, камолоти; айрим шахс, шахслар гуруҳи, табақа ва жамият интилувчи олий мақсад. Ижтимоий-сиёсий, ахлоқий ва эстетик турларга бўлинади. Ижтимоий-сиёсий идеал – мукаммал ижтимоий тузум; ахлоқий идеал – баркамол инсон сифатлари, инсоний муносабатлар; эстетик идеал – ҳар тарафлама камолга етган гўзал кўриниш, хислат, тавсиф. Идеал муайян тарихий шароитда ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳалари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда шаклланади. Идеалнинг амалга ошиши ёки ошмаслиги унинг воқелик билан боғлиқлигига, тараққиётни қанчалик тўлиқ ва тўғри инъикос эттиришга боғлиқ. Кишилар тарихда эстетик ва ахлоқий идеални орзу қилиб, бу орзуларни эртак ва достонларда ифодалаганлар. Масалан, Рустам ва Фарҳод, Лайли ва Ширин фақат жисмоний жиҳатдан бақувват ҳамда гўзал бўлиб қолмай, улар юксак одамийлик фазилатларига ҳам эга.

Идеал реал мавжуд бўлиб, гўзалликнинг юқори даражада намоён бўлишидир. У ҳаётдаги, санъатдаги объектив гўзалликлар ҳақида мукаммал, тўлиқ субъектив тушунчаларимиздан иборат. Идеал деганда, биринчи навбатда, инсон гўзаллиги тушунилади. Ҳар томонлама етук, гўзал киши бизнинг эстетик идеалимиздир. Ҳар бир миллат гўзаллик ҳақида ўз миллий идеалига эга, чунки ишлаб чиқариш усули, яшаш шароити, географик муҳит, психологияси турличадир.

ЗУЛФИЯ

ЗУЛФИЯ (тахаллуси; тўлиқ исм-шарифи Зулфия Исроилова) (1915.1.3 – Тошкент – 1996.1.8) – шоира, журналист, таржимон, жамоат арбоби. Ўзбекистон халқ шоираси (1965). Меҳнат қаҳрамони (1984). Шоир *Ҳамид Олимжон*нинг рафиқаси. Хотин-қизлар педагогика билим юртини тугатгач (1931–34), Ўзбекистон Фанлар қўмитаси қошидаги Тил ва адабиёт институти аспирантурасига ўқишга кирган (1935). Сўнг Ёшлар ва Ўсмирлар адабиёти нашриётида муҳаррир (1938–40), Ўзбекистон давлат нашриётида бўлим мудири (1941–50), "Ўзбекистон хотин-қизлари" (қ."Саодат") журналида бўлим мудири (1950–53), бош муҳаррир (1954–85) бўлиб ишлаган.

Зулфиянинг илк шеъри 1931 йилда "Ишчи" газетасида босилган. Дастлаб 1932 йил "Ҳаёт варақалари" шеърлар тўплами нашр этилган. Шундан кейин унинг "Темирой" (1934), "Шеърлар", "Қизлар қўшини" (1939) шеърий китоблари эълон қилинган. Зулфия шеърий ижодининг нурланиши "Уни Фарҳод дер эдилар" (1943), "Ҳижрон кунларида" (1944) ва "Ҳулкар" (1947) тўпламлари билан боғлиқ. Айниқса, Ҳ. Олимжоннинг бевақт вафотидан кейин (1944) ёзилган, руҳий силсилалар ва қалб изтироблари билан тўла шеърлар Зулфия ижодида жиддий ўзгаришлар содир бўлганидан дарак берди. Зулфия шахсий фожиаси тасвири орқали 2-жаҳон урушидан катта талафот ва йўқотишлар билан чиққан халқнинг дард ва аламларини ифодалади.

40-йиллар охирида эълон қилинган Совет давлатининг санъат ва адабиёт тўғрисидаги қарорлари ўзбек адабиётига ҳам катта зарар келтирди. Зулфия бадбин кайфиятлар—пессимистик кечинмалар куйчиси сифатида таъна тошлари остида қолди. Шундан кейин у, бошқа қаламкаш биродарлари сингари, "давр ғоялари"ни ифодаловчи шеърлар ёзишга ўтди. Лекин кўп ўтмай, ўзбек аёллари ҳаётини яхши билувчи шоира ва журналист сифатида дугоналари ҳақида шеър ва публицистик мақолалар ёзди, уларни ижтимоий фаолликка чақирди, инсоний ҳақ-ҳуқуқларининг поймол бўлмаслиги учун курашди.

50-йилларнинг 2-ярмида Зулфия Осиё ва Африка ёзувчиларининг тинчлик ва халқаро бирдамлик шиори остида ўтган ҳаракатида фаол қатнашиб, жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида бўлди. Ҳиндистон, Миср, Япония ва қўшни республикаларга қилган сафари шоира ижодида чуқур из қолдирди. "Мушоира", "Ўғлим, сира бўлмайди уруш", "Қозоғистон ўланлари", "Мен чизолмаган сурат" сингари шеърлари Зулфияга шуҳрат келтирди. Зулфия шеърларида тасвир этилаётган ҳаёт кўлами кенгайиб, унинг ижодига хорижий халқлар ҳаёти манзаралари ҳам кириб келди. 70-йиллардан бошлаб Зулфия ижодидаги миллий ҳаёт тасвирида янги ранглар камалаги пайдо бўлди, ҳаққонийлик ва ҳис-ҳаяжон кучайди. "Ўйлар" (1965) шеърий гулдастаси билан бошланган воқеликни фалсафий идрок этиш тамойили "Висол" (1972), "Йиллар, йиллар..." (1975) шеърий китобларида давом этиб, Зулфия ижодида чинакам бадиий юксалиш даври бошланганини намойиш этди. У яна достон жанрига қайтиб, устоз Ойбекнинг сўнгги сафарига бағишланган "Қуёшли қалам" (1970) достонини яратди. Айни пайтда шоира болаларга бағишланган туркум шеърлар ҳам ёзди ("Лолақизғалдоқ", 1975).

Зулфия ҳаётининг муҳим бир қисмини Ҳамид Олимжоннинг адабий меросини ўрганиш ва нашр этиш ишига бағишлади. Ана шу жараённинг узвий қисми сифатида у шоирнинг "Семурғ ёки Паризод ва Бунёд" достони асосида қўғирчоқ театри учун "Семурғ" пиесаси (С. Сомова билан ҳамкорликда) ҳамда "Зайнаб ва Омон" операси либреттосини ёзди.

А.С.Пушкин, М.Ю.Лермонтов, Н.А.-Некрасов, М. Воқиф, Л. Украинка, М. Дилбозий, С. Капутикян, Э. Огнецвет, Мустай Карим, Амрита Притам, Е. Багряна ва бошқаларнинг асарларини ўзбек тилига таржима қилган.

Зулфия асарлари кўплаб чет тилларда, шунингдек, қардош туркий халқлар тилларида нашр этилган. Зулфия халқаро Жавоҳарлал Неру (1968), "Нилуфар" (1971) мукофотлари ҳамда Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти (1970) лауреати. Шунингдек, у Болгариянинг "Кирилл ва Мефодий" (1972) орденига сазовор бўлган.

Ўзбекистон ҳукумати атоқли шоиранинг маданиятимиз тараққиётидаги катта хизматларини эътиборга олиб, Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этди. Тошкентдаги кўчалардан бирига Зулфия номи берилган.

Наим КАРИМОВ

ИМОН

ИМОН, иймон (араб. – ишонч, эътиқод) – исломнинг 5 рукни (асоси)дан бири; Аллоҳга, унинг фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига, қиёмат кунига, тақдирга ва ўлгандан кейин тирилишга ишониш. Бу "иймони муфассал", яъни иймоннинг муфассал таъбири деб ҳам аталади. Имон мотуридийлик таълимотига кўра, 2 нарсанинг бутунлиги – эътиқод (динга ичдан чуқур ишониш), иқрор (буни сўзда тан олиш)дан иборат деб ҳисобланади. Исломда имон талаблари "аркон ал-иймон" ("эътиқод асослари") саналади. Имон асосларига, у ақлимизга хоҳ сиғсин, хоҳ сиғмасин, барибир уларга шак-шубҳасиз эътиқод қилиш талаб қилинади. Имон талаблари, яъни ақидалар исломнинг диний дунёқараш асосларини ташкил этади. Имон тушунчаси исломда муҳим ва баҳсли масалалардан бири ҳисобланиб, уни турли илоҳиёт ва диний-ҳуқуқий мактаб вакиллари турлича талқин қилганлар. Ҳозирги кунда имон сўзи виждонлилик, ҳалоллик, софлик, Ватанни севиш маъноларида ҳам ишлатилади.

"КИТОБИ ДАДАМ ҚЎРҚУТ"

"КИТОБИ ДАДАМ ҚЎРҚУТ" ("Қўрқут ота китоби")–ўрта асрлар ўғуз эпосининг юксак намуналаридан бири. Унинг таркибига кирган ҳикоя ва достонларнинг айримлари 7–8-асрларда оғзаки равишда яратила бошланган. Асосий достонлари 9–10-асрларда ўғузлар Сирдарёнинг қуйи оқимлари ва Орол денгизи атрофларида яшаган даврларда юзага келган. Улар бу улкан ёдгорликнинг таркибида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб, Қўрқут ҳақидаги афсона ва ривоятларнинг оғзаки равишда Туркистон халқлари орасида кейинги даврларгача сақланиб қолишига сабаб бўлган.

Ўғуз қабилаларининг салжуқийлар раҳнамолигида Ғарбга силжиши натижасида илгари яратилган достонлар ва ривоятларга янгилари қўшилиб, Кавказ ва Кичик Осиёда Қўрқут ва Қозонбек (Солор ғозон) ҳақида бутун бир достонлар туркуми вужудга келди. Оғзаки равишда яратилган ва қуйланиб келинган бу асарлар бизга номаълум шахс томонидан Ўзонлар (бахшилар)дан ёзиб олиниб, 15-аср ўрталарида "Китоби дадам Қўрқут"га тартиб берилган. Оғзаки қуйланиб келинган достонлар "Китоби дадам Қўрқут" таркибига киритилганда, уларга муайян бир адабий ишлов берилган.

"Китоби дадам Қўрқут" кириш қисм ва 12 бўй (достон)дан иборат. Кириш қисмида Қўрқут ота ҳақида маълумотлар бериш билан бирга унинг номидан бир қанча оталар сўзи (халқ мақоллари) келтирилган. Китобга киритилган достонлар қуйидагилардир: 1. Дирсахон ўғли Бўғочхон. 2. Солор ғозон уйининг талон-тарож бўлганлиги. 3. Бойбурабекнинг ўғли Бамси Байрак. 4. Қозонбек ўғли Ўрозбекнинг тутқун бўлгани. 5. Духохўжа ўғли Дали Домрул. 6. Қанглихўжа ўғли Хонтўрали. 7. Қозилиҳхўжа ўғли Яганак. 8. Басатнинг Тепакўзни ўлдирганлиги. 9. Багил ўғли Эмрон. 10. Ушунхўжа ўғли Сакрак. 11. Солор ғозоннинг тутқун бўлгани ва ўғли Ўроз қутқаргани. 12. Ичўғузнинг Ташўғузга итоат этмагани ва Байракнинг ўлими.

"Китоби дадам Қўрқут"нинг икки қўлёзмаси бизгача етиб келган. Улар Дрезден ва Ватикан кутубхоналарида сақланади. Бу қўлёзмаларни олимлар 19-асрдан бошлаб ўрганиб келадилар. Уни рус тилига дастлаб В.В.Бартольд таржима қилди ва 1894–1904 йилларда 1–3 ва 5-достонларини асл нусха билан биргаликда нашр этди (1962 йилда тўла равишда нашр этилди). Туркияда дастлаб Килисли Муаллиф Рифат 1916 йилда тўла равишда нашр этди. Ундан кейин Ўрхон Шойиқ Кўкёй, Муҳаррам Эргин нашрлари юзага келди. Озарбайжонда ҳам 1939 йилдан бери мунтазам равишда нашр этилиб, ўрганилиб келинди. Ўзбекистонда эса 1939 йилда Ҳоди Зариф китоб таркибидаги учинчи достон "Бамси Байрак"ни "Ўзбек фольклори" мажмуасида нашр этган, холос.

"Китоби дадам Қўрқут" дунё миқёсида кенг ўрганилиб келинаётган, ўғуз ва бошқа туркий халқлар тарихи, фольклори, этнографиясини ўрганишда катта аҳамиятга эга асарлардан биридир.

Тўра МИРЗАЕВ

ЗОКИРОВЛАР

ЗОКИРОВЛАР – 20-аср Ўзбекистон мусиқа санъатига улкан ҳисса қўшган ўзбек санъаткорлари оиласи. Сулола бошлиғи опера хонандаси (лирик-драматик баритон), Ўзбекистон халқ артисти (1939) Карим Зокиров (1912.12.3 – Тошкент – 1977.19.2). Москвадаги Ўзбек опера студиясида таълим олган (1934–36). Ижодий фаолиятини 1928 йил драматик актёр сифатида бошлаб, дастлабки ролларини ўзбек давлат драма театри (1928–29), Ишчи-ёшлар театри (1930–31)да ўйнаган. 1931–34 ва 1936–39 йилларда ўзбек давлат мусиқали театри, 1939–77 йиллар Навоий номидаги опера ва балет театрининг етакчи яккахон хонандаси. Мусиқали драмаларда Фарҳод (Хуршид; В. Успенский, "Фарҳод ва Ширин"), Неъмат (Ғ.Зафарий; Т. Жалилов, "Ҳалима"), Мажнун (Хуршид; Т. Содиқов, "Лайли ва Мажнун") каби; операларда Улуғбек (А. Козловский, "Улуғбек"), Торобий (О. Чишко, "Маҳмуд Торобий"), Тоҳир (Т.Жалилов, Б.Бровцин, " Тоҳир ва Зуҳра"), Иброҳим (Р.Глиэр, Т.Содиқов, "Гулсара"), Шоҳ Баҳром (М.Ашрафий, "Дилором") сингари образлар яратган. "Майсаранинг иши" (С. Юдаков) операсидаги Мулладўст образи Карим Зокиров талқинида ўзига хос бадиий ифодасини топган.

Карим Зокиров чет эл мумтоз асарлари асосидаги (Эскамильо, Ж.Бизе, "Кармен"; Елецкий, П.Чайковский, "Мотка қарғаси" ва бошқалар) ва Қозоғистон, Озарбайжон композиторлари (Эр Тарғин, Е. Брусиловский, "Эр Тарғин"; Ҳасанхон, У.Ҳожибеков, "Кўр ўғли"; Кажар, А.Спендиаров "Алмаст" каби) операларидаги ролларни ҳам маҳорат билан ижро этган. Карим Зокировнинг қуйлаш услуби очиқ товуши, ўзбек миллий, шунингдек замонавий ижрочилик анъаналари билан узвий боғлиқ. Халқ ашулалари, ўзбек бастакорлари асарлари ва айрим мақом парчалари – "Истарман", "Эй нигорим", "Чоргоҳ I, II, III", "Навбаҳор", "Кўчабоғи I-II", "Гиря", "Каримқулбеги I-II", "Дугоҳ" ва бошқалар — Карим Зокиров ижросида юксак бадиий ифодасини топган.

Карим Зокировнинг рафиқаси Шоҳиста Саидова (1917 – Тошкент – 2000.7.2) – актриса, хонанда. Муқимий номидаги театрда ишлаган (1952–62). Энг яхши роллари: Моҳимбону ("Тоҳир ва Зуҳра"), Гулруҳ ("Равшан ва Зулхумор"), Бекачи ("Алпомиш"), Амма ("Холисхон", "Нурхон"), Роҳатой ("Офтобхон") ва бошқалар. У, шунингдек, моҳир лапар ижрочиси ҳам бўлган.

Ўғли Ботир Зокиров (1936.26.4, Москва – 1985.23.1, Тошкент) – хонанда (лирик-драматик тенор), актёр, рассом. Ўзбекистон халқ артисти (1965). Ўзбек замонавий профессионал эстрада қўшиқчи(ижрочи)лигининг асосчиси. Тошкент давлат консерваториясининг вокал факультети (1952–57), Тошкент давлат театр ва рассомлик санъати институтининг режиссёрлик факультети (1958–62)да таълим олган. "Ёшлик" ансамбли (1957), ўзбек давлат эстрада оркестри (1958–70) яккахон хонандаси. Тошкент мюзикхоллининг ташкилотчиси, яккахони ва бадиий раҳбари (1972–78). 1978 йилдан "Ўзбекконцерт"нинг яккахон хонандаси. Ботир Зокиров ўта таъсирчан тембрли, ширадор овозга эга бўлган. Ижро этган қўшиқларининг аксариятини тугал ва теран лирик-драматик асар даражасига кўтара олган. Репертуаридаги қатор қўшиқлар композиторлар томонидан Ботир Зокиров ҳамкорлигида, унинг овозига мўлжаллаб яратилган. Ижодида ўзбек композиторларининг романс ва қўшиқлари асосий ўрин тутади: М. Бурҳонов – "Мафтун бўлдим", "Намедонам, чи ном дорад", Икром Акбаров – "Ёр кел", "Раъно", "Газли", "Сени эслайман"; Сайфи Жалил – "Мажнун монологи", "Кечалар юлдуз санаб" ва бошқалар. Шунингдек, эстрада услубида қайта ишланган ҳинд ("Нечун хаёлга чўмдинг?", "Дил орзуси", "Мейчале"), эрон ("Маро бебус", "Айрилиқ қўшиғи"), миср ("Арабча танго", "Уйқум ўғриси"), сурия ("Ўтмишимга йиғлайман"), ливан ("Гўзал қиз"), мексикан ("Алвидо, муҳаббат"), италян ("Яшасин, муҳаббат") халқ қўшиқларини, чет эл муаллифларидан Э. Масиас, Ж. Брел (Франция), Чоудҳури, Р. Шанкар (Ҳиндистон), Фатхулла Сулаймон (Сурия), Фарид ал-Атраш (Миср), ака-ука Раҳбонийлар (Ливан), Д. Ристич (Югославия) асарларини оригинал (ҳар бирини ўз тилида) ижро этган. Ботир Зокировнинг рассом сифатида яратган "Автопортрет", "Саратон", "Гумбазлар", "Болалик кўчаси", "Чор минор" каби асарлари маълум. Бир қанча ҳикоя, очерк ва шеърлар, шунингдек, "Сўғд элининг қоплони" операси (Икром Акбаров)нинг либреттосини ёзган. "Кичик шаҳзода" (А. де Сент-Экзюпери), "Соя" (Е. Шварц) асарларини ўзбек тилига таржима қилган.

Киноактёр сифатида Ёш муҳандис ("Гуллар очилганда"), Рабиндранат Тагор ("Оловли йўллар"), Абдулло ("Даҳонинг ёшлиги") каби образлар яратган. "Ўзбектелефильм" студияси Ботир Зокировга бағишланган "Менга қўшиқ чизиб бер" ва "Айтилмай қолган қўшиқ" ҳужжатли фильмларни, ўғли Бахтиёр Зокиров "Ўша, ўтган кунлар" фильмини суратга олган. Тошкент кўчаларидан бирига Ботир Зокиров номи берилган. Шунингдек, Жиззахдаги Саньат билим юрти, Самарқанддаги ёшлар санъат маркази унинг номи билан юритилади. 1994 йил Ботир Зокиров номида эстрада оркестри ташкил этилди (ҳозир "Ўзбекнаво" қошида). Франция, Австрия, Германия, Куба, шунингдек, Африка мамлакатларида гастролда бўлган. 1995 йил "Ботир Зокиров жамғармаси" ташкил этилди. 1989 йилдан унинг номида замонавий эстрада қўшиқчилари танлови ўтказилади.

Қизи Луиза Зокирова (1938.7.1, Тошкент) – эстрада хонандаси. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист (1965). Энг яхши қўшиқлари: "Наманганнинг олмаси", "Қоралар-қопқоралар", "Эй, меҳрибоним", "Ёввойи танавор". Шунингдек ҳинд, араб, индонезийча қўшиқлари билан танилган.

Ўғли Навфал Зокиров (1941.19.3 – Тошкент – 1976.9.11) – эстрада хонандаси. Тошкент давлат консерваториясининг опера синфини тугатган (1968). Бутуниттифоқ эстрада танлови лауреати (1969). Энг яхши қўшиқлари: "Айт", "Кўрмадим", "Майсаранинг иши"дан ҳожи Дарға арияси. Шунингдек, Америка ва Европа мамлакатлари қўшиқларини ижро этган. Айниқса, гастрол-концерт фаолияти унинг ижодида алоҳида ўрин тутади.

Ўғли Фаррух Зокиров (1946.16.4, Тошкент) – эстрада хонандаси, бастакор. Ўзбекистон (1987), Қорақалпоғистон (1993), Қозоғистон (1995), Қирғизистон (1996), Тожикистон (2000) халқ артисти. Тошкент Давлат консерваториясида таълим олган (1966–69), Тошкент давлат маданият институтини тугатган (1999). Ўзбек давлат эстрадасининг яккахон хонандаси (1969–71), 1971 йилдан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган давлат "Ялла" ансамбли хонандаси, бадиий раҳбари (1976 йилдан). 2002 й.дан Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазири ўринбосари. Фаррух Зокиров майин ва ширали овоз соҳиби, ўзбек миллий ва замонавий эстрада анъаналарига таянади. "Ялла" ансамбли репертуарини қайта ишланган ўзбек халқ лапар, ялла ва бошқа қўшиқлари ("Йўл бўлсин", "Яллама ёрим", "Ғайра-ғайра", "Хандалак", "Қилпиллама", "Ганжа Қорабоғ" ва бошқалар) билан бойитган, шунингдек замонавий ўзбек эстрадаси миллий анъаналарга асосланган оммабоп мусиқа ("фольк-поп") услубининг юзага келишига муҳим ҳисса қўшган. "Майсаранинг иши" (С. Юдаков) операсидан Мулладўст, Ҳидоятхон, ҳожи Дарға арияларини эстрада услубида айтган, шунингдек, кўпгина фильмлар ("Темир хотин", "Водиллик келин", "Орзулар оғушида", "Майсаранинг иши" ва бошқалар)даги қўшиқларнинг муаллифи ва ижрочиси. "Масхарабоз", "Тунги юлдуз", "Сен бўлмасанг ёнимда", "Бойчечак", "Газал", "Рубоий", "Мусиқий чойхона", "Лайли", "Мажнунтол", "Лола", "Хаёлимда бўлдинг уззу кун", "Учқудук", "Шахрисабз", "Ўзбекистон ватаним" каби қўшиқларнинг муаллифи. Жаҳоннинг деярли барча минтақаларида ўзбек эстрада санъатини ("Ялла" ансамбли билан) тарғиб этган. Ўзбекистон Республикаси 1-чақириқ Олий Мажлисининг депутати (1994–99). Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1989). "Шуҳрат" медали (1996) билан тақдирланган.

Ўғли Жамшид Зокиров (1948.11.7, Тошкент) – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист (1995). Тошкент давлат театр ва рассомлик санъати институтини тугатган (1971). 1971 йилдан Миллий театрнинг актёри. Энг яхши роллари: Альберт ("Оқшомдан тушгача"), Фарҳод ("Кузнинг биринчи куни"), Ҳолмат ("Бой ила хизматчи"), Эркак ("Тақдир эшиги"), Степан ("Мардикор"), Эркак ("Алдагани хотин яхши") ва бошқалар. Кинода Ота ("Орзулар оғушида"), Ҳаким ("Келинлар қўзғолони"), Олимтой ("Темир хотин") каби ролларни ўйнаган ва видеофильмларда суратга тушган: Декан ("Домла"), милиционер ("Тартиб"), Шариф Номозов ("Шайтанат") ва бошқалар.

Ўғли Равшан Зокиров (1951.19.3, Тошкент) – хонанда, рассом. Тошкент давлат маданият институтини тугатган (1990). Унинг репертуаридан "Лайли" [шу қўшиғи б-н "Асия даусы" (Қозоғистон) фестивалида биринчи ўрин олган], "Барно", "Рубобим тори" каби қўшиқлар ўрин олган. Лирик мавзуда расм ва портретлар чизган. 1995 йилдан "Ботир Зокиров жамғармаси"нинг директори.

Келини Гавҳар Зокирова (1949.10.9, Тўйтепа) –Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист (1988). Тошкент давлат театр ва рассомлик санъати институтини тугатган (1971). 1971 йилдан Миллий театр актрисаси. Энг яхши роллари: Амалия ("Кароқчилар"), Агафя ("Уйланиш"), Жамила, Гулбаҳор ("Бой ила хизматчи"), Дездемона ("Отелло"), Аёл ("Тақдир эшиги"), Гулнор ("Қутлуғ қон"), Бибихоним ("Соҳибқирон Темур"), Фаришта ("Шайтон ва фариштa") ва бошқалар. Кинода Нигора ("Тўйлар муборак"), Гули ("Юлдузимни қайтариб бер!"); видеофильмларда Вазира ("Олмос камар"), ҳамшира ("Абадият қонуни"), Гулираъно ("Домла"), Насиба ("Шайтанат") каби образлар яратган. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1989).

Ботир Зокировнинг ўғли Бахтиёр Зокиров (1962.9.8, Тошкент) – киноактёр. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист (1997). ВГИКни тугатган (1983). 1983 йилдан киноактёр студиясида ишлайди. Энг яхши роллари: Ибн Сино ("Даҳонинг ёшлиги"), Ҳидоятхон ("Майсаранинг иши"), Хусайн ("Амир Темур"), Хирург ("Касалхона"), Бўрибой ("Армон") ва бошқалар. "Илҳом" театр-студиясида ҳам роллар ижро этган: Иоканан ("Саломея"), Демон ("Тойбеле ва унинг Демони"), Охун ("Оппоқ, оппоқ қора лайлак") кабилар шулар жумласидан.

Тўхтасин ҒАФУРБЕКОВ, Моҳина АШИРОВА

ИСКАНДАРКЎЛ ЭКСПЕДИЦИЯЛАРИ

ИСКАНДАРКЎЛ ЭКСПЕДИЦИЯЛАРИ (1870, 1875) – Зарафшоннинг юқори оқимидаги бекликларни истило этиш мақсадида подшо Россияси томонидан уюштирилган ҳарбий юришлар. Биринчи ҳарбий юриш (1870, апрель-май)дан мақсад подшо Россияси Бухоро амирлигининг анчагина қисмини босиб олгач, амирликка тобе бўлган Кўҳистон, яъни Ҳисор, Кўлоб, Балжувон бекликлари ва Қоратегин, Дарвоз шоҳликлари ҳамда Зарафшоннинг юқори оқимидаги ярим мустақил Моғиён, Фон, Киштут, Фалғар, Мастчоҳ, Яғноб мулкларини босиб олиш ва Искандаркўл атрофидаги табиий бойликларни ўрганиш эди. Юришга Зарафшон округи бошлиғи генерал Абрамов раҳбарлик қилди. Экспедиция таркибига геолог Д.К.Мишенков, табиатшунос олим А.Ф.Федченко, хариташунос Л.Н.Соболев, топограф А.М.Скасси ва бошқалар киритилган. Мастчоҳлик маҳаллий аҳоли русларга қаттиқ қаршилик кўрсаттанига қарамай, 1-экспедиция натижасида Зарафшон дарёсининг юқори оқимидаги бекликлар туманга айлантирилиб, Зарафшон округига қўшиб олинди, уларнинг аҳолиси, географияси ва топографияси тўғрисида маълумотлар тўпланди.

Иккинчи ҳарбий юриш (1875) Кўҳистонда Қаландар мирохўр бошчилигида Пулдарак қишлоғида кўтарилган миллий озодлик ҳаракатини бостиришга қаратилди. Шу мақсадда штабс-капитан Г.А.Арендаренко бошчилигида 1 мунтазам батальон, 10 отлиқ казак ва 1 тог замбараги юборилди (8 ноябр). 21 ноябрда эса А. М.Ефимович бошчилигида қўшимча ҳарбий қисм етиб келди. Натижада озодлик ҳаракати, асосан, бостирилди. Унинг бир қисм қатнашчилари Юқори Мастчоҳ қишлоғига чекинганлар. Уларга Кўқон хонлигида яшовчи аҳолидан ёрдам келиши билан озодлик ҳаракати оммавий тус олди. Генерал Г.А.Арендаренко 1876 йил 13 январда янги куч билан халқ ҳаракатини шафқатсиз равишда бостирди. Қаландар мирохўр қўлга туширилди, истиқлолчиларнинг кўп қисми қириб ташланди. Искандаркўл экспедициялари натижасида Зарафшоннинг юқори оқимидаги бекликлар узил-кесил подшо Россияси томонидан босиб олинди.

Наим НОРҚУЛОВ

ИКРОМ ДОМЛА

ИКРОМ ДОМЛА, Мулла Икромча (тахаллуслари; асл исми Муҳаммад Икром ибн Абдусалом, 1847 – Бухоро – 1925) – Бухородаги тараққийпарвар уламолардан, муфти ва мударрис. Бухоро мадрасаларида таҳсил олган. Аҳмад Донишнинг маърифатпарварлик ғояларига қўшилиб, мадрасалардаги таълим тизимини танқид қилган, уни ислоҳ қилиш йўлларини ишлаб чиққан. 20-аср бошларида муфти сифатида Бухородаги жадид – янги усул мактабларини мулла Абдураззоқ бошчилигидаги қадимийчиларнинг гуруҳларидан ҳимоя қилган. "Уйқудагиларнинг уйғониши ва нодонларнинг огоҳ бўлиши" ("Бедорин хобидаган ва оғаҳи нодонон", 1910) рисоласида Бухородаги амирлик тузумидан норозилик кайфиятлари акс эттирилган. Ушбу рисоладан сўнг Икром домла Бухородан сургун қилиниб, Пешкуга қози қилиб жўнатилган (1912–14). Бухорода 1917 йил апрель намойишидан кейин Икром домла Ғузорда қамоққа олинади, БХСР тузилгач, қисқа муддат маъмурий идораларда хизмат қилади.

Икром домла Бухорода кўплаб шоирларга, жумладан Айнийга устозлик ва ҳомийлик қилган. Файзулла Хўжаев ва Айний ўзларининг Бухоро инқилоби тарихига бағишланган асарларида Икром домланинг тараққийпарварлик фаолиятига юксак баҳо беришган.



КЕЛДИ МУҲАММАД

КЕЛДИ МУҲАММАД, Султон Муҳаммад (? – 1532/33) – *шайбонийлардан*. Шоҳрухия шаҳар ва вилоят ҳокими(тахм. 1517 йилдан). Отаси Суюнчхўжахон вафот этгач, Тошкент шаҳар ва вилоят ҳокими. Шайбонийхон даврида тарҳонликка кўтарилган. Шайбонийларнинг Шимолга қилган ҳарбий юришларида қатнашган, натижада Сирдарё бўйидаги бир қанча мулкларни қўлга киритган. Шайбоний султонларнинг Хуросонга юриши пайти(1528–29)да Марвни эгаллаган.

Келди Муҳаммад шеърият, илм-фанга қизиққан. Саройида адабий баҳслар уюштирган. Замонасининг етук адиблари билан суҳбат қуришни ёқтирган, хусусан, 1518 йил у машҳур адиб Зайниддин Восифийни Самарқанддан ўз ҳузурига (Шоҳрухиядга) чақиртириб олган. Келди Муҳаммаднинг топшириғи билан сарой тарихчиси Абдуллоҳ Насруллоҳий "Зубдат ул-осор" асарини ёзган.

ИСТИОРА

ИСТИОРА (араб. – қарзга олиш), метафора – бадиий тасвир воситаси, кўчим. Истиора 2 нарса ўртасидаги ўхшашликка асосланади. У ўхшатилган ва ўхшаган унсурлардангина ташкил топади. Масалан, сарв қомат, оҳу кўз. Истиорада шер, йўлбарс ва бошқа кучли, жасоратли қушларга хос айрим хусусиятлар, оқ, қора сифатларидаги яхшилик, ёмонлик маъноларини инсонларнинг айрим хислатларини таъкидлаб кўрсатиш учун кўчирилади (шер юрак, оқ кўнгил, қора қалб ва ҳоказо).

Истиора бадиий асарларда акс этаётган нарса, воқеа, ҳодисаларнинг аниқ, равшан гавдаланиб туришида, образлар тавсифларининг ёрқин берилишида, асар жозиба кучининг ошишида ниҳоятда муҳим ўрин тутади. Истиоранинг 2 тури мавжуд: 1) очиқ истиора. Масалан, Менинг қўлим етмаган **қоллуз**, Тушларимда сени кўргайман (А. Орипов). Бунда севимли ёр – маъшуқа "қоллуз"га ўхшатилган. Ўхшаган тушириб қолдирилган, ўрнига ўхшатилгани берилган; 2) ёпиқ истиора. Масалан, қолган **сўзлар** тутқизмади ўз баридан (Ғ.Ғулом). Бунда "сўзлар" одамга ўхшатилган. Ўхшатилган тушириб қолдирилган ва ўхшаган берилган.

9 февраль — Алишер Навоий туғилган кун

СЎЗ ЖАҲОНГИРИ

Ваҳоб РАҲМОНОВ

Шермуҳаммад Мунис ўз исми шарифининг Алишер исмига маънодошлиги юзасидан фахрланиб ёзган эди:

Сўз ичра Навоийки жаҳонгирдурур:
Мунисга маони йўлида пирдурур.
Йўқ ғайрият андин ўзгаким, айтурлар:
Бу — Шермуҳаммад, ул — Алишердурур.

Дарвоқе, сўз Алишер Навоийнинг жаҳонгирлиги хусусида боради. Зотан, даҳомизнинг ўзи бу даъво билан чиққани сир эмас: «Лисон ут-тайр», «Фарҳод ва Ширин» достонларида бу хусусда ҳужжатли байтлар сақланган:

Турк назмида чу мен
тортиб алам,
Айладим ул мамлакатни яккалам.

(Мен туркий шеърият байроғини кўтариб, туркий тилда сўзлашувчиларнинг ҳаммасини бир адабий тил остига бирлаштирдим.)

«Лисон ут-тайр»да бу фикрлар изҳори билан чиққан шоир «Фарҳод ва Ширин» достонида Низомий Ганжавий, Амир Хусрав Деҳлавий ва Абдураҳмон Жомийнинг жаҳонгирликларини қайд этиб, Низомий Ганжавий ҳақида:

Низомий олса Барда бирла Ганжа,
Қадам Рум аҳлиға ҳам қилса ранжа,—

деб ёзади.

Амир Хусрав Деҳлавий жаҳонгирлиги хусусида эса,

Чекиб Хусрав доғи тиғи забонни,
Юруб фатҳ айласа Ҳиндустонни, —

дейди.

Абдураҳмон Жомий музаффарияти тўғрисида

Яна Жомий Ажамда урса навбат,
Арабда доғи чолса кўси шавкат, —

дер экан, ниҳоят, ўз жаҳонгирлиги — унинг ижод қўли остига қайси мамлакатлар киргани ҳақида ёзадики:

Агар бир қавм, гар юз, йўқса мингдур,
Муайян турк улуси худ менингдур.
Олибмен тахти фармонимға осон,
Черик чекмай Хитодин то Хуросон.
Хуросон демаким, Шерозу Табрез
Ки қилмиздур найи килким шакаррез...

Юқорида келтирилган байтлар жуғрофиясини тасаввур этсак, Хито — Шарқий Туркистондан Табризгача яшаган туркий элатлар юстами, мингтами Алишер Навоий ижоди таъсирида бўлган экан...

XX асрда Навоий асарлари жаҳоннинг цивилизациялашган мамлакатларининг ҳаммасига бориб етди, десак муболаға бўлмас. Бироқ бу «бориб етиш» хабар тариқасида эди, ижодий забткорлик маъносида эмас. XIX асрдаёқ Ҳофиз Европанинг Франция, Германия, Англия каби мамлакатлари шоирлари қалбига ўз ижодий байроғини тиклаб улгурди. Иоганн Волфганг Гёте форсий тилда шеър битган жаҳоншумул етти шоирни санайди: Рудакий, Фирдавсий, Анварий, Низомий, Саъдий, Ҳофиз, Абдураҳмон Жомий...

Алишер Навоий жаҳонгирлиги, ҳозирги адабий таъсир ва таржима маъносида фикр юритадиган бўлсак, энди чинакам бўлиши мумкин. Бунинг учун нима қилмоқ керак?

Ие, аввал гапни ўзимиздан бошлайлик. Ўзбекистонда Алишер Навоийни ўқийдиларми? Нега Эркин Воҳидовдек қаҳрамон шоиримиз «Навоийни адабиётшунос олимлар тушунмайдилар» деб қайғуради ва шоирона жаранг билан:

Ўзбек Навоийни ўқимай қўйса,
Дод демоққа палла бўлгани шудир.
Маърифатдан айру ўйнаса, кулса,
Аза чоғи ялла бўлгани шудир.

Ўзбек Навоийни ўқимай қўйса,
Алдангани, алла бўлгани шудир.
Юлғич азиз бўлиб, билгич хор бўлса,
Пайтаванинг салла бўлгани шудир, —

дея фиғон чекади?

Бундай юзаки қараганда, Алишер Навоий руҳи Ўзбекистонни тўла забт этгандек: мактаблар, музейлар, жамоа хўжаликлари, илмий институтлар даҳо шоиримиз номида. Ўзбекистонда «Мен Навоийни ўқимаганман», деган ўзбек топилмайди. Қандай яхши! Аслида шундайми?

Ўзбекистонда ҳамма Навоийни ўқиган, деган тушунчанинг мазмуни шуки, ўзбек ўқувчиси мактабда уч-тўрт синфда Навоийнинг беш-ўнта шеърини ўрганган, достонларидан икки-уч боб намуна кўрган, «Фарҳод ва Ширин»нинг мазмуни билан дарсликдан танишган. Мана шу бизнинг — ўзбек халқининг Навоийни билиши! Боқчадан олий мактабгача Алишер Навоийнинг ижодий гулдастаси — йиғса бир китоб бўладиган мероси амал қилади...

Ватанимизда юзга яқин Навоий ижоди билан нафас оладиган олим ва ёшлар топилади, десам муболаға бўлмас. Мен ўқитувчилар малакасини ошириш институтларидаги ўттиз йиллик тажрибамдан, Ўзбекистоннинг барча туманларидаги адабиёт ўқитувчилари билан ижодий суҳбатлардан чиқарган хулосам шуки, ўқитувчилар ҳам Навоийни ўқимайдилар (истисно юз фоиздан 0,01 фоиз бўлиши мумкин). Ана шу истисно фоизда Алишер Навоий ғазалларидан уч-тўртта ёд биладиган, унинг достонларидан уч-тўрттасининг насрий баёнини ўқиган ўқитувчилар бор, холос.

Ҳамманинг узри битта: Навоий асарлари тили — эски, қийин. Уни ўрганиш учун ким энди ҳар бир сўзга битталаб луғат варақлайди? Кимда бунга вақт бор?!

Яхшиямки, кейинги ўттиз йилликда «Хамса» достонлари, «Лисон ут-тайр» маснавийси ва «Маҳбуб ул-қулуб»нинг насрий баёнлари — ҳозирги тилдаги талқинлари яратилди. Бунда профессор Абдуқодир Ҳайитметов, академик шоиримиз Ғафур Ғулом, Амин Умарий, Шарифжон Ҳусайнзода, Шарафиддин Шарипов, Наим Норқулов, Иноятулла Махсумовларнинг адабий хизматлари бор.

Алишер Навоий ғазаллари шарҳи Абдуқодир Ҳайитметов, Исматулла Абдуллаев, Алибек Рустамов, Нажмиддин Комилов, Иброҳим Ҳаққул, Анвар Ҳожиаҳмедов, Нусратулло Жумахўжа, Каромат Муллахўжаева..., шоирларимиз Эркин Воҳидов, Муҳаммад Али сингари ўнлаб фидойилар томонидан бажарилиб, онда-сонда газета-журналларда эълон қилинмоқда.

Бироқ булар Ўзбекистонда Навоий жаҳонгирлиги учун ҳали кам... Фикримча, агар Алишер Навоийни маънавиятимиз маёғи сифатида қадрлар эканмиз, Навоий асарларининг ҳаммасини ўз жанрида ҳозирги тилга табдил — таржимасимон талқинини яратмоғимиз шарт.

Иқтисодий томони-чи? Масалан, Сирдарё ва Жиззах вилоятларидаги бўмбўш бозорларнинг бир қасри пулига бу ишларни қилса бўлади: чунки сотилса, пули яна хазинага қайтади ҳам. Ўзбекистон Навоий билан яшамоғи, у билан нафас олмоғи керак. Навоий Ўзбекистон ҳавосини тозалайдиган, руҳини яшартирадиган, халқини баркамол эта оладиган БУЮКЛИКДИР!

Навоийни элга тақдим қилмоқдан мақсад: Навоийнинг эзгу фикрларидан ўзбекни баҳраманд этиш, умумбашарий ғояларидан воқиф қилиш, ўзбек халқини баркамол авлод даражасига кўтариш учун маънавий озиқ сифатида Навоийни тарғиб этишдир.

Навоий асарларини табдил қилиш— ўзбек тилини ўзбек тилига таржима этишдек эриш туюлиши мумкин. Аслида ундай эмас. Масалан, уйғур тилидан ўзбек тилига бадиий таржима қилиш Навоийни ўзбек тилига «таржима этиш»дан осонроқ...

Алишер Навоий асарларини тушуниш қийин. Биргина мисол келтирай. 9-синф учун янги ажойиб ва яхши «Адабиёт» дарслиги ёзилди. Навоийнинг:

Най туз учун истар ани аҳли ҳол,
Чун туз эмас, эгри қўрар гўшмол —

байти қуйидагича талқин этилган: «Най тўғри бўлгани учун уни сўфийлар яхши кўрадилар. Эгри бўлганида танбеҳ олар, қулоғи буралар эди».

Биринчи мисра талқини — тўғри. Иккинчи мисра талқини — шубҳали. «Тўғри бўлмагани учун эгрининг қулоғи буралади» десак, яна хато бўлади. Нега? Чунки «бу мисра талқини тўғри!», деб туриб олсак, ҳазрати Навоий: «Чангим йўқолди, сандаму?», деб атрофга аланглайдилар... Зотан, байтдаги «чанг» мусиқий асбоби йўқолиб қолган. Навоий **игри, эгри** сўзлари билан сўз ўйин қилган. Чунки **игри** — чангдир...

Демак, иккинчи мисра талқини бундай бўлади: **«Чанг тўғри бўлмагани учун унинг қулоғини бурайдилар».**

Таассуфки, биз — олимлар биргина эзгу тушунча билан яшаймиз: «Навоий асарларини нашр этиш лозим. Унга луғат китоби бериш керак. Ўқувчи ўзи луғат орқали ўқиб маза қилсин! Навоийга дахл этиш — гуноҳи азим!».

Тўғри, Навоий асарлари мумтоз оҳанглар каби инжа, нозик; асал каби тотли. Қани энди ўша орзумиз амалга ошса эди... Бироқ ўша имконият йўқ; бундан ким зарар кўради? Халқ... Бор асални еяолмасак (Навоийни тушунолмасак), унинг қайта ишланган — табдил — шакарни истеъмол қилиб турайлик ахир. Бусиз ширинликдан маҳрум қоламиз-ку?

Навоий ижоди мусиқаси, майинлиги, маъноларининг хилма-хил товланиши, шеърий санъатларнинг олмосдек минг турли жилоси шоир тилини тушуна оладиган йирик олимгагина насиб этадиган қутлуғ насибадир. Бу насибага анча-мунча олимлар ҳам даъво қилишдан ийманадилар...

Демак, Навоийнинг бошқа насибахўрлари Навоий дастурхонидан асал эмас, шакаридан баҳраманд бўлиб турсалар нимаси ёмон?

Низомийни аслича тушунмайдиган озарбойжон халқи ҳозирги тилдаги таржимада ўқиш билан қониқади-ку ахир! Низомийнинг бирор шеъри озарбойжон тилида ёзилмаган...

Шунинг учун Навоийни тушуниш даражасига халқни етказишдек муқаддас орзуга етишиш ҳозирча имконсиз экан, демак, Навоийни ҳозирги ўзбек тушуна оладиган даражага «қуйилатмоқ» зарурати бор. Бу эса: шоир ва адиб Навоийнинг барча асарларини ҳозирги ўзбек адабий тилида ўз жанрида табдил қилишдир. Тўғри, шоирнинг юзлаб шеърларини луғат билан ўрганиш имконияти ҳамиша сақланади.

Бу таклиф амалда исботланган: «Хамса» достонлари табдили — бунинг исботи. Бироқ бу илк қадам эди. Энди, менингча, достон жанрини тиклаб табдил қилиш босқичига келдик...

Алишер Навоий фикрларини ҳозирги шоирларимиз иқтидорлари, ҳозирги ўзбек адабий тили хазинаси билан тўла ифодалаш имконияти бор. «Лайли ва Мажнун», «Фарҳод ва Ширин», «Ҳайрат ул-аброр»...ларни Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Жамол Камол, Сирожиддин Саййид ижодий талқинларида ўқиш бахти ўзбек халқига насиб этсин. Навоий ғазалларининг асосий қисмини ҳам ана шу йўсинда — ғазал ҳолида табдиллаштирмоқ керак, токи Навоий Ўзбекистонни чинакам эгалласин...

Навоий жаҳонни қандай эгаллайди? Буни олимларимиз, таржимон шоирларимиз қиладилар. Олимларимиз Навоийнинг ҳар бир ғазали ҳақида биттадан китоб ёза олсалар, нур устига нур бўларди. «Қаро кўзум» ғазали ҳақида бир китоб ёзса бўлмайдими? Чунончи, мен шу ғазалнинг матлаъи устида бош қотирдим-у, биргина бадияти нуқтаи назаридан кузатишларим бир дафтар бўлди. Яъни қисқача қилиб айтсам:

Қаро кўзум, келу мардумлиғ
эмди фан қилғил,
Кўзум қаросида мардум киби
ватан қилғил —

байтидан ўнта бадиий санъат топдим. Булар: **нидо, сифатлаш, илтифот, тарди акс, тажнис, ийҳом, иштиқоқ, ташбиҳ, амр, мураддаф...**

Алишер Навоийни кашф этиш бошланган. Бу ҳол ривож топмоғи даркор. Бунинг учун маблағ сарфлаш керак, грантлар олиш керак...

Навоий асарларининг инглиз, немис, француз ва бошқа тилларга бадиий юксак савиядаги таржималарини яратиш даркор. Бунга чет эл шоирлари, адибларини жалб қилиш лозим. Бусиз Навоий жаҳонни забт этолмайди...

Алишер Навоийнинг жаҳонгирлиги ўзбек миллатининг маънавий жаҳонгирлигидир.

Навоий ғазалига мухаммас

Ёр қўйида кезарман дарбадар ошифтаҳол,
Номини тилдан туширмай, ёдидан сўйлаб мақол.
Гар бугун эрсам-да соғинчи билан мажнунмисол,
Кеча ул ой бирла эрдим, вах, бу тушдир ё хаёл,
Туш эмас, чун йўқтурур уйқу, хаёлидир муҳол.

Очилиб гулзор ичинда ҳусн ошкор этса гул,
Булбули нолон иши зор йиғлаб этмоқлиқ ҳамул,
Неча дерлар менга йўқдир фойда минг озурда бўл,
Ишқин изҳор айлабон васлин тилар мунглиғ қўнгул,
Бир ғадо янглиғки, айбин кўрсатиб айлар суол.

«Шин» бўлиб тахланди мадҳинг бирла неча шеър сўз,
Дил «алиф» қаддинг тамошосига термулган ҳануз,
«Син» сумбул сочларинг, «сод»дир қабоқу саҳфа юз,
Ораз узра «айн» янглиғдур узоринг узра кўз,
Наргис узра нукта янглиғдир кўзинг устида хол.

Иштиёқинг изтироби кун ва тунлар ошади,
Бу алам тўлқинларин мавжи кўзимнинг ёшида,
Қомати дол ҳар кишиким, шунча савдо бошида,
Эгма қаддим заъфи ҳаддин ошти ул юз қошида,
Нотавон бўлғон каби хуршид васлидин ҳилол.

Телба кўнглим изларинг излаб узоқларга етар,
Косаи сабрим тўлиб, фарёдим оламни тутар,
Илтифотинг истабон кўйинг аро умрим ўтар,
Йиғлабон ул сарвнинг йўлиға тушсам ноз этар,
Сув билан туфроғдин бош тортқон янглиғ ниҳол.

Чун ҳарими ёр эрур ошиқ Азизийга талаб,
Эшигида чарх урар тун-кун қуюндек тентираб,
Бир нигоҳин ташласа лутф айлабон озода табъ,
Ком эрур жонимға ул олудалиғдин пок лаб,
Эй Навоий, ўлсам ичмон Хизр нўш этган зилол.

Азиз ҚАЮМОВ



Танқидни танқид

ТАСАВВУФ ВА ЎЗБЕК АДАБИЁТИ

Тасаввуф ва ўзбек адабиёти мавзуи бугунги адабиётшунослигимиз учун янгилик бўлмай қолди. Бу борада мустақиллик шарофати билан кўплаб илмий-тадқиқотлар, турли савиядаги сон-саноқсиз мақолалар юзага келди. Аммо ҳали-ҳануз ушбу мавзу мукаммал тадқиқ этилди, дейиш мумкин эмас. Бу йўлда ҳали анча ишлар амалга оширилиши керак.

Адолат юзасидан айтиш лозимки, И.Султон, Н.Комилов, И.Ҳаққулов, А.Абдуқодиров каби йирик адабиётшунос олимларимиз мазкур йўналишда салмоқли ишларни амалга оширдилар. Улар ёнида яна бир қанча номларни, шунингдек, ёш ва умидли тадқиқотчиларни санаш мумкин.

Эндиликда тасаввуфнинг асл моҳиятини, унинг келиб чиқиши ва намоён бўлиш шаклларини ёритиш учун умумий замин ҳозирланди, дейиш мумкин. Навбатдаги вазифа ана шу жараённи бутун мураккаблиги ва кўлами билан илмий талқин этишдан иборат бўлиб турибди. Шу маънода яқиндагина нашр қилинган «Нақшбандия таълимоти ва ўзбек адабиёти»(Абдулла Қодирий номидаги «Халқ мероси» нашриёти, Тошкент — 2002 йил) монографияси эътиборга моликдир. Унинг муаллифи таниқли адабиётшунос олим, филология фанлари номзоди Ёқубжон Исҳоқов.

Китоб номи масаланинг туб моҳиятини анчайин аниқ ва лўнда ифодалаб турибди. Демак, унда тасаввуфнинг барча оқимлари эмас, балки фақат биттаси — нақшбандия таълимоти устида сўз боради. Хўш, нақшбандиянинг тасаввуфдаги бошқа таълимотлардан фарқи борми? Агар бор бўлса, улар қандай шакл ва ҳолатларда намоён бўлади? Бундай жараёнларнинг ифода тарзи қандай кечади?

Ушбу китоб мутолааси мазкур саволларга жуда пухта равишда жавоб беради.

Маълумки, XV асрнинг биринчи ярмида Мовароуннаҳрдаги туркий тилли адабиётда Яссавий анъаналари етакчи мавқеда турган эди. Ваҳоланки, худди шу даврда Хуросон ўлкаларида нақшбандийликнинг ғоявий таъсири сезила бошлайди. Бу жараённинг асл моҳияти, туб сабаблари борасида мулоҳаза юритиларкан, китобда, жумладан, қуйидагиларни ўқиймиз: «Нақшбандийликнинг мафкура олами билан алоқаси ва таъсири ҳақида сўз борганда, муҳим бир жиҳатни назарда тутишга тўғри келади: яссавия таълимоти махсус илмий рисолалар тарзида эмас, балки шеърий асарлар шаклида давом этиб келган.

Яссавийнинг фалсафий, ижтимоий ва ахлоқий қарашлари шеърий мисралар таркибида, хусусан, туркий халқлар оғзаки ижодиёти учун хос бўлган мураббаъ шаклида зуҳур этади. Оммабоп шеърий асарларнинг халқ онгига етиб бориши ҳам, бадиий ижод жаҳасига таъсири ҳам самаралироқ бўлиши табиий, албатта. Нақшбандия асосчилари ва намоёндалари эса шоир эмас, балки амалиётчи файласуф (шайх, хожа) сифатида фаолият кўрсатиб келган. Шунинг учун ҳам бу таълимотнинг бадиий ижод билан алоқаси оммавий равишда эмас, балки у ёки бу ижодкорнинг тушунча савияси билан бевосита боғлиқ ҳолда мураккаброқ тарзда амалга ошади. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, нақшбандия сулукига дахлдор ижодкорлар нафақат бадиий адабиёт, балки, фалсафа, ахлоқ, тарих сингари фанлар соҳасида ҳам муайян малакага эга кенг қамровли шахслар бўлган».

Китобнинг бош мақсади нақшбандия таълимотининг ўзбек адабиётига кўрсатган таъсирини ўрганишдан иборат.

Бу мақсадни амалга ошириш учун эса ниҳоятда тўғри йўл танланганидан барча мулоҳазалар, фикр ва далиллар фақат биринчи манбаларга таянган ҳолда билдирилган. Ўрни келганда таъкидлаш жоизки, айни мана шу усул Ёқубжон Исҳоқовга хос бўлиб, олимнинг ўзга ишларида ҳам жуда бўртиб кўзга ташланиб туради.

Илмий манбалар ҳақиқати олимнинг тўғри мулоҳазаларига, талқинлардаги одиллигига имкон туғдиради. Кези келганда уқтириш ўринлики, худди мана шу ҳодиса шарофати билан илмимизда, хусусан, адабиётшунослигимизнинг тасаввуф билан боғлиқ жабҳасида ҳукм суриб келаётган бир қанча чалкашликлар, нотўғри мулоҳазалар, ноўрин талқин этиб келинган ҳолатларга тўғри баҳо бериб кетилган. Ушбу китобнинг илмий аҳамиятини кучайтирувчи нуқталардан бири ҳам шундадир.

Тариқат сулукларининг ижтимоий-маданий ҳаётга таъсири ҳақидаги кузатиш-тадқиқотлар ўзимизда ҳам, хорижда ҳам анчагина. Айниқса, ахийлик, исмоилия, хуруфия, бектошия, қаландария сулуклари бу жиҳатдан бирмунча кўпроқ ўрганилганини қайд этиш мумкин. Бироқ уларнинг бевосита адабиётга, хусусан, ёзма адабиётнинг ривожига кўрсатган таъсири ҳақидаги ишлар кўп эмас. Нақшбандийлик тўғрисида ҳам шундай дея оламиз. Худди шунинг учун ҳам мазкур китобнинг илмий аҳамияти яна бир марта ойдинлашади. Унда нақшбандия таълимотининг туркий ёзма адабиётга кириб келишидан бошлаб, алоҳида олинган муайян ижодкор дунёқарашига кўрсатган таъсирига қадар бўлган муаммолар таҳлилга тортилади.

«Нақшбандия таълимоти ва XIV асрнинг иккинчи ярми — XV асрнинг биринчи ярми ўзбек адабиёти» қисмида бу таълимотнинг ўзбек адабиётига кириб келиши билан алоқадор бўлган тарихий шароит, ижтимоий-маънавий замин таҳлил этилган.

Амир Саййид Қосимий Табризий ҳақидаги бўлим янги факт, фикр ва мулоҳазаларга бойлиги билан эътиборни тортади. Фанда Амир Саййид Қосимий ва Шоҳ Қосим Анвар деган номлар мавжуд. Улар битта шахсми ёки бошқа-бошқа кишиларми? Бобда шу саволларга ҳам жавоб изланган. Муҳим хулоса шуки, муаллиф таҳлил жараёнида кўплаб атамалар, фикр ва тушунчаларнинг ўзига хос талқинига имкон топади. Биргина мисол: «Маснавийларда кўп ишлатилган «аҳли дил», «эран», «аҳли назар», «ёр», «дарвеш», «фақр», «аҳли дард», «аҳли камол» каби атамалар ўз вужуди юкини салб этган ва олам алойиқларидан хориж бўлиб, фақру фано мақомида ўз-ўзини англаган ориф, муршиди комил маъносида қўлланади».

Китобдаги энг салмоқли боб Алишер Навоийга бағишланган. Тўғри таъкидланганидек, Навоий фалсафа, дин, тариқатлар ҳақида махсус илмий рисолалар ёзган эмас. Лекин унинг мазкур масалаларга доир аниқ концепцияси бадиий ва илмий, тарихий асарлар таркибида анча мукаммал акс этган.

Муаллифнинг кузатишича, Навоийнинг бу борадаги нуқтаи назари, қарашлари очиқ мулоҳаза ёхуд имо-ишора, рамз ва тимсоллар шаклида мужассамлашган. Қитъа, ғазал сингари кичик жанрларда очиқ қайд этилгани ҳолда, достонлар таркибида муайян ғоявий ният билан боғлиқ ҳолда, бадиий контекст доирасида зуҳур этади.

Олимнинг «ҳар бир масалада фикр хилма-хиллигини эътироф қилиш, турли мазҳаб ва тариқатларга ҳурмат билан холисона муносабатда бўлиш, ўта нозик ўринларда ўз фикрини билвосита — пардали ифодалаш ва, энг муҳими, барча масалаларда адолат ҳиссининг барқарорлиги Навоий даҳоси учун характерлидир», — деган хулосаси ниҳоятда ўринли ва тўғридир. Унинг тегишли далилу исботлар асосида юзага келганлиги эса китобхонда эътироф ва ҳурмат туйғуларини, айни пайтда, Навоийга хос бўлган янги-янги қирраларнинг беҳисоблиги ҳақидаги ҳақиқатга томон ундаб туради.

Навоий ижоди мисолида нақшбандия тариқатининг талаб ва қоидалари моҳирона шарҳланганини ҳам таъкидлаш ўринли бўлар эди.

«XVI — XIX аср ўзбек адабиёти ва нақшбандия таълимоти» қисми ҳам янги фикр-мулоҳазаларга бойлиги билан ажралиб туради. «Бу давр ўзбек адабиётини тасаввуф тариқатлари, жумладан, нақшбандия таълимоти билан алоқаси нуқтаи назаридан кузатадиган бўлсак, ўзига хос бир манзаранинг гувоҳи бўламиз: шайбонийлар муҳитидаги ўзбек (шунингдек, зуллисонайн) адабиётига, Хожа Аҳмад Яссавий анъаналари сақланган ҳолда, нақшбандия таълимоти ҳам кириб кела бошлади. Лекин биринчиси адабий ҳодиса(жанр, услуб) сифатида сақланса, кейингиси ижодкорларнинг ғоявий позицияси ҳамда амалий турмуши билан боғлиқ эди», — деб ёзади муаллиф. Ушбу назарий фикрлар Ҳасанхўжа Нисорий, Муҳаммад Шайбонийхон, Убайдий, Абдулазизхон, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Сўфи Оллоҳёр, Ҳувайдо сингари буюк шахслар тимсолида амалий жиҳатдан далилланган.

Уқтириш ўринли бўладики, китобнинг мазкур боби ҳам янги ва яхши фикрларга бойлиги билан марғубдир. Айниқса, Бобурнинг нақшбандия таълимотига муносабатига оид саҳифалар мароқ билан ўқилади. Муаллиф Бобурнинг асарларига, Бобур замондошлари ва бошқа тарихий манбалардаги маълумотларга таяниб туриб, Бобурнинг тасаввуфга, айниқса, нақшбандия таълимотига бўлган муносабатларини анча кенг, изчил ва илмий ишонарли тарзда ёритиб берган. Ана шу далиллар силсиласида олимнинг: «Бобур нақшбандия тариқатига мансуб оилада туғилиб, тарбия топган. Унинг биринчи расмий пири Хожа Мавлоно Қози, лекин маънавий муршиди Хожа Аҳрори Валий бўлган. Шу жиҳатдан у, Баҳоуддин Нақшбанд сингари, **Увайсий** эди», — деган фикрлари табиий ва ишонарли жаранглайди.

Китобдаги Сўфи Оллоҳёр ва Ҳувайдога бағишланган қисмлар ҳам янги факт ва далилларга бойлиги билан эътиборли.

Хуллас, бу китоб ўзбек адабиётшунослигида янги ҳодиса сифатида кўпасрлик нодир ёзма меросимиз мухлислари учун муносиб туҳфа бўлган.



Бокижон ТЎХЛИЕВ,
филология фанлари доктори, профессор,
Ҳамиджон ҲОМИДОВ,
филология фанлари доктори, профессор,
Меҳринисо КЕНЖАЕВА,
аспирант

АЁЛҒУ ҲЎШИҲМИ?

Алишер Навоийнинг «Ҳайрат ул-аброр» достонида **аёлғу** сўзи учрайди:

Ул қила олмаса ҳамовозлиқ,
Қилса аёлғу била дамсозлиқ.

«Навоий асарларининг изоҳли луғати»да бу сўз икки маънога эга эканлиги кўрсатилади: 1. Музика асбобларидан бири; 2. Ўлан, ашула, куй, қўшиқ. **Аёлғучи** сўзи эса музикант, ашулачи деб изоҳланиб, «Маҳбуб ул-қулуб»дан қуйидаги мисол келтирилади:

Тенгри сўзин аёлғучи бўлмай дей олмағай,
Бир соз бўлса ҳам керак ул қилғай ихтиёр.

Афсус, луғатдаги маънолар билан юқоридаги байтларни тушуниш мушкул. **Аёлғу** сўзи тува тилида **мелодия** — оҳанг маъносини англатишини ҳисобга олсак, шоир «Ҳайрат ул-аброр»да бу сўзни **ҳамоҳанг** маъносида ишлатганлигини кўрамиз (мазмуни):

У жўравозлик қила олмаса-да,
Ҳамоҳанг бўлиб турса, бас.

Тубандаги байтнинг иккинчи мисрасида ҳам шоир ёрнинг узун йиғиси телба кўнгулга ҳамоҳанг эканлигини **аёлғу** сўзи билан ифодалаган:

Ҳолимга ҳажр базми аро тортсам суруд,
Ёр навҳа мадди телба кўнглунг аёлғуси.

«Маҳбуб ул-қулуб»даги байтда шоир ношуд воизни **аёлғучи**, яъни ҳамоҳанг бўлиб турувчи маъносида ишлатган (мазмуни):

Тангри сўзини ҳам ҳамнафаслик
қилувчисиз айта олмайди,
Бу созсиз иш бажара олмайдиган
кишига ўхшайди.

Энди бу маънолар асосида шоир асарлари луғатида **аёлғу** сўзини аниқроқ изоҳлаш мумкин: **аёлғу** — ҳамоҳанг; **аёлғучи** — ҳамоҳанглик қилувчи.

Эргаш УМАРОВ

ФОНИЙ (НАВОИЙ)

ХУШ БАҲОР

Шоҳий Сабзаворий ғазалига ғатаббу

Хуш баҳор фасли. Ҳама хурсанд ўз ёри била.
Ғунча янглиғ қон дилим бир ситамкоре била.
Гул бериб оро ўзига, қуйласа булбулнаво, —
Қумри ҳам хушнағма. Бир мен айру дилдоре била.
Гулшан ичра ҳусну зеб, бош қўкка чўзган сарвлар,
Лек мен дилхаста булбул нолаву зори била.
Жилвагардир ғунчалар, ишвагардир барги гул,
Ҳажрнинг қийноғида қондур жигар хори била.
Сийнама қайғу уруғ сепган, — кўзим ёши билан,
Мен эса ҳайратда ишқимнинг бу хил кори била.
Тан уза кўпдир жароҳатлар, — тузалмоғи керак —
Майни лойидан ясалган камёб дори била.
Ёр аёғиға қўйиб бош, Фоний йиғлар ҳам тилар, —
Олсалар жонин унинг, — қўймай жафокори била.

Шоҳий САБЗАВОРИЙ

ҒАЗАЛЛАР

Дилда кўп ҳасратларим, айта олмасман бироқ,
Сенга кўнгил берганимдан қайта олмасман бироқ.

Ақл кўп сўзларни айтур бизга донолик қилиб;
Ишқ сиррин очганин излаб тополмасман бироқ.

Йўл уза сочим супурги, лек йўқ бир нафъ манга,
Кўйинга неча югурсам ҳам етолмасман бироқ.

Ғунча янглиг қон дилим, очилмоғи мушкил эрур,
Келмасанг мисли шамол, яшнаб кетолмасман бироқ.

Шоҳий, ҳар бир қатра кўзёшинг эрур шоҳона дур,
Кипригимнинг игнаси-ла тўхтатолмасман бироқ.

* * *

Жафо қилганинг менга ғоят гўзал,
Ранятга шоҳдан иноят гўзал,
Сенинг ғамзангу лабларинг ўйлабон,
Шукур қилмоқу ҳам шикоят гўзал.
Менинг талх сўзимдан ўкинма, рақиб,
Ахир ёр лабидан ҳикоят гўзал.
Хатинг — ояти ҳуси, лабинг — вақфидир, —
Қизил, хоҳ қора, — вақфи оят гўзал.
Қидирма баҳона менинг қатлима,
Бу ишда йўқ эрур жиноят гўзал.
Алишди кароматни ринднинг шайх,
Ки ишқ юртида бу вилоят гўзал.
Назар айланг Шоҳий ҳар байтига, —
Ки бошдин оёғи ниҳоят гўзал.

Форсийдан
Абдуқодир ҲАЙИТМЕТОВ
таржималари

ҚУЧСАМ, ҚУЧОҒИМҒА ТЎЛСА ИФОРЛАР...

Саъдулла ҲАКИМ

МАНГУ ҲИЖРОН НАВОСИ

Кутган фақат бир менми,
Бир менми гирён фақат.
Ҳар тонг қон бўлиб бағри
Нимани кутар шафақ?

Сарғайган кўз ёшларин
Олмалар тап-тап тўкар.
Улар кимнинг йўлига
Бунчалар зор кўз тикар.

Қоронғу кечаларда
Ой фонусин кўтариб,
Юлдуз кўзли сулувлар
Кимни юрар ахтариб,

Карвон-карвон булутлар
Нега ўкириб бўзлар?
Дунё кезган шамоллар
Увлаб нимани излар?

Кутавериб охири
Тоғ бағри бўлганми тош,
Ў кимни кута-кута
Дарё-дарё тўкар ёш?

Олов тусли арғумоқ
Йўртиб ўтар ҳар куни.
Ким суғориб ҳар кеча,
Қайда ўтлатар уни?

Кўриниш бермас нега
Алп қоматли чавандоз?
Кимни кутиб фасллар
Ёяр турли пойандоз?

Ер устини бирма-бир
Кезиб чиққач қадамлаб,
Ер остига нимани
Излаб кетар одамлар!

Эй, олами кубаро,
Гоҳ вайрон, гоҳ шод кўнгил.
Қилча меҳр нуридан
Каъбача обод кўнгил.

Бағри қон шафақ—бу сен,
Бу сен—саргардон шамол.
Олов арғумоқ—бу сен,
Бу сен—ҳасби хатти-ҳол.

На ошкор—сенда ошкор,
На ниҳон—ниҳон сенда.
На рост—сенда росту бор,
Ёлғон—на ёлғон сенда!

ЭСКИ КИТОБ

Эски китобларни ўқидим кўп-кўп,
Олтинга топилмас
кўрганим фойда:
Наъраси чақмоқдек шиддатли шер ҳам
Мушукча бўла олмас
сир қочган жойда.

Эски китобларни ўқидим кўп-кўп,
Бозорда сотилмас
олганим сабоқ:
Сирти маҳкам дея қолма чув тушиб,
Ичидан панглагай
усти тош ёнғоқ.

Эски китобларни ўқидим такрор,
Билганим шу бўлди,
билмаганим бу:
Бедорлик, оҳ, нега бунчалар тахир,
Ваҳ, нега бунчалар
ширидир уйқу?

Эски китобларни ўқидим тўймай,
Қалбимни чароғон
этди бир ҳикмат:
Куйдирса куйдирсин ишқ алангаси,
Ёндирса ёндирсин
ишқ ўти фақат!

ВАТАН ШАЪНИ

Эр кишининг ҳар иши
ўз давру давронига мос,
Найзасин душманга тутқазмоқ
фақат Ҳотамга хос.

Ҳур диёрим қасдида
то бир баложўй бор экан,
Ҳар сўзим ханжар кабидур,
ҳар мўйим наштар қиёс!

ТУҒИЛИШ

Чақмоқларда тобланиб ўғлон
Ёмғирларга ювди юзини.
Юрагига ёз киргани он
Севди юртнинг сулув қизини.

Гуллар билан ифор талашиб
Баҳорларга бўлиб жон сингил,
Бир куни ой каби тўлишиб
Қиз ҳам берди йигитга кўнгил.

Қовушдилар тун билан кундек
Сўнгида тонг бир тиниқ отди.
...Кўнгироқдек гўдак овози
Қуёшни уйқудан уйғотди.

АДОЛАТ

Мажоли қолмаса ҳамки турмоққа
Бемор шовқин солар ранги бир ҳолат:
«—Ҳой, ким бор, чақиринг, кетди қаёққа,
Тезроқ кела қолсин, айтинг, Адолат».

Ўйлайсизки, бемор руҳий касалманд,
Бир қур йўқотганин то ҳануз қистар.
Хаёли не ажиб ўйлар билан банд,
Ҳаммага нон каби адолат истар.

Асли у шундай деб эмранар зор-зор
Оғриқ жон-жонидан ўтган заҳоти.
Асли ҳамширани чақирар бемор,
Адолат — бу ўша ҳамшира оти.

У кириб келару оғриқ пасанда,
Бемор шовқини-да хонани тутмас.
Ажаб, беморлар ҳам шифохонада
Адолат бўлмаса соғайиб кетмас!

БУ БОҒ

Бу боғ абадийдир, ҳар яшил япроқ
Илоҳий чашмадан сафолар ичар.
Изтироб уйида дард ёққан чироқ
Шифо эпкинида парпираб ўчар.

Тақдир шамоллари бу тоза боғни
Заъфар хазонлардан айлагай фориғ.
Сориғ яшил бўлур ҳидоят чоғи,
Неки зумураддир оқибат сориғ.

Фақат тафаккурнинг ўчмас излари,
Теран туйғулардан кўнгил музайян.
Бизни азиз қилар изҳор сўзлари
Ва айтилмай қолган калималар ҳам!

ҲАР ЛАҲЗА

Ҳар лаҳза кўнглимни очсам, аллаёр,
Бир қур ўзлигимдан кечсам, аллаёр.

Куртак оча олча шохида кўклам,
Биллур шабнамларни ичсам, аллаёр.

Юракни гул каби тутиб ялангоч,
Сохта либосларни ечсам, аллаёр.

Қучсам, қучоғимга тўлса ифорлар...
Ватан ҳаволарин қучсам, аллаёр.

Охир... хазон янглиғ чалиб қўнғироқ
Бош узра ҳаволаб учсам, аллаёр!

* * *

Шеър ёзмадим номингни атаб,
Кошки, исминг ягона бўлса.
Истайманки, бор мақтовларим
Бошқаларга бегона бўлса!

Сурайёдек номинг эъзозлаб
Таърифингда очар бўлсам сўз,
Боқий савр каҳкашонидан
Хумор боқар неча тўп юлдуз.

Юрагимга исминг аслида
Худди нишон каби қадалган.
Аталмаган шеърларим бари
Фақат ёлғиз сенга аталган.

БЎЛМАГАЙ

Кулмагай ҳеч ким гўдак сайрон сафо кулганчалик,
Келмагай ҳеч бир замон ёшлик замон келганчалик.

Жонга жону танга тан, дилга дил малҳам эса,
Қилмагай ҳеч ким вафо ёринг вафо қилганчалик.

Кимга тан маҳрам лазиздир, кимга дил маҳрам азиз,
Бўлмагай тан маҳрами дил маҳрами бўлганчалик.

Эй, табиб, жонинг сабил, воҳ, неча асру неча йил,
Билмагай дарднинг давосини қазо билганчалик.

Қатра шодликни баҳр, уммонча ғамни қатра бил,
Тўлмагай бахт косаси ғам косаси тўлганчалик.

Саъди олло, ғам ўтар, шодлик ўтар, касбингни қил,
Қолмагай сендан тирик бир янги сўз қолганчалик.

ТАРВУЗ

Собир ЎНАР

Ҳикоя

Омондавлатнинг қишлоқдан қўнғироқ қилиб, индинга бола-чақаси билан келишини эшитиб, Худойқулнинг энсаси қотди, нечукдир миясига лоп этиб: буям пул сўраб келади, бўлмаса бешолти йилдан бери кўришмаган синфдошга бало бормиди, деган ўй урилди. Кўнгли хижил тортиб, келмасаям ўпкаламас эдим, деди ичида. Ўзидан-ўзи хотинига ёзғира кетди: «Бу замонда бировга ахмоқ одам қарз беради, олган одам вақтида қайтармайди, эланиб юрасан-юрасан орқасидан, йўқ, мана, кўриб турибсан-ку, ўлдирсанг ўлдир — беролмайман, деб қақшаб тураверади. Ваъдалар бошқача эди-ку бошида десанг, тушса оласан-да, дея шалпаяди. Нима қиласан: ўлдирасанми, сўясанми, ўрнига келадими шунда? Айниқса, қишлоқдаги одамга қарз бер, қудуққа тушган тангадай минг йилдаям қайтмайди, емиш олади, буғдой олади, емишни моли, буғдойни ўзи еб қўяди, кейин бақрайиб: еб қўйдик, ука, жўра, деб ҳиқиллаб тураверади. Сенам ёрдам бер менга, Сапувра, шу гал қарз бермайман, қайтмайди, энг яқин синфдошим шу Омондавлат бўлса, унданам қайтмайди».

— Хўп, пулимиз йўқлигини хотинига тушунтираман, хотини эрига айтар, шундаям йўқ, сенда бор, берасан, деб ёпишиб туриб олмас, ахир. Тўғрими?

— Ишқилиб, бир илож қил, мени қутқар шу сафар. Бўлмаса, биласан-ку, кўнглим бўш, бериб юбораман.

Эр-хотин меҳмонларни кутиб олиш режасини тузишди. Ундоқ деса бундоқ, бундоқ деса ундоқ эди, дея гап топиб берамиз, хуллас, пул йўқлигига ишонтирамиз, деб келишиб олишди.

Меҳмонлар кечин-ола етиб келишди. Омондавлат хотини, бир чақалоқ қизи, тўрт-беш ёшлардаги бурни оққан ўғли билан келди. Дўстининг уйда йўқлигини кўриб жуда хафа бўлди, гўё у ҳеч қаёққа қимирламай кутиши шартдай. Унинг қўлтиғида иккита тарвуз, хотинининг бир қўлида чақалоғи, бир қўлида каттакон сумкаси бор эди. Сумкада туршак, ёнғоқ, майиз, тегирмон унида ёпилган нон, патирлар, Худойқулнинг ёш қизчасига атаб тикилган кийим-бачкилар. Омондавлат тарвузларни ошхонага қўйди, сўнг қўлини ювиб залга—меҳмон кутиладиган жойга ўтди. Ўғилчаси ур-тўполонни бошлади: телефоннинг трубкасини кўтариб «алло»лаб қичқирди, телевизорнинг тугмаларини боса бошлади, қоғоз қутининг ичидаги ўйинчоқларни чиқариб ҳар ёққа сочди. Омондавлат ясатилган дастурхонга ўтириб чой ичди, узум еди, ёнғоқлардан чақди, телевизорга қараб ўтириб диванда ухлаб қолди. Аллапайтдан сўнг ўртоғининг туртишидан уйғонди. Сапчиб туриб қучоқлашиб кўриша кетди. Ухлаб қолгани учун узр сўради.

— Йўл чарчатган-да, нимасига хижолат бўласан, — деди Худойқул. Сўнг ўтириб сўрашар-сўрашмас, уйнинг тўзиб кетгани, ўғилчаси ҳамма нарсани ағдар-тўнтар қилгани, чақалоғи нариги хонада қичқираётганини кўриб кайфи учди ва сал жаҳлини билдириб бироз сур оҳангда: — Жон жўра, оёғингдиям, носкингдиям ювиб кел ваннага бориб, — деди.

Омондавлат ўртоғининг гапи ҳазилми, чин эканини билолмай гаранг бўлди, бир жилмайиб, қўйсанг-чи, эй, оёғим сасимагандир, демоқчи бўлди, қараса, мезбоннинг авзои жиддий, хижолат бўлиб ўрнидан қўзғалди. Балоғатга етгани бери бунақа дашном эшитмагани боисми, кўнгли сингандек бўлди. Аммо кейинроқ ўзини босиб, шаҳарда уйлар тор, шунинг учун ўзимга сезилмаган тер ҳиди уйга тарқаган чиқар, бегона бўлсам бетимга айтармиди, деб ўйлаб қўйди.

Чамаси шундай деб ўзига тасалли берди. Худойқул қишлоқни, оға-ини-қариндошларни суриштиргач, дабдурустдан пул топиш анча мушкул бўлиб кетгани, бировга берган пулингниям, молингниям ундириб олиш ўлимдан оғирлигини ёзғириб сўзлай кетди. Омондавлат дўстининг пул сўраб қолмасин, дея аввалдан пушкадан ўт отаётганининг маъносини тушунмади. Ҳайрон бўлди, уйнинг ҳар тарафи ялтираб туриши, телевизор, мебелларнинг баҳосини ўзича ҳисоблаган бўлди, ҳовли кураётгани, қанақадир чет эл машинаси миниб юрганини эшитган, миясининг бир чеккасида ҳаммаси ғимир-ғимир эътирозлар уйғотиб, ношукур бўлмасликка даъват қилмоқчи бўлди-ю, негадир ўзи ҳам ростдан одамлар ҳозир шунақа эканлигини тасдиқлаш учун амакисининг ўғлига уруғлик учун ўн беш минг сўм бергани, бироқ уни қайтариб олиш қийин бўлгани, икки-уч марта беш юз-минг сўмдан бериб баракасини учиргани, охири эккан буғдойини бод уриб, ҳеч нарса беролмаслигини айтиб турганини сўзлади.

— Ана шу-да, ҳамма шу, ҳеч ўзга эмас, хоҳ шаҳарда, хоҳ қишлоқда, хоҳ дўст, хоҳ душман бўлсин—оқибати шу, — дея пишанг берди Худойқул. — Ҳалиям ўн беш минг экан-ку. Бу шаҳарда бир хил ўзига тўқ оилаларнинг бир кунлик харажатиям эмас.

Омондавлат «йўғ-э» дея телевизордан кўзини узиб жўрасига қаради, ишониш-ишонмаслигини билмайди. Худойқул эса беэътибор давом этди:

— Мана, шахсан ўзимнинг ўн минг доллардан кўпроқ пулим ташқарида юрипти. Зарилликкаям сўраб ололмайман. Ҳаммаси кўз қиймайдиган одамлар: дўстлар, курсдошлар, қариндошлар, укалар.

Омондавлат шу доллар деганларингнинг башарасиниям кўрмадим-да, ўзи у неча сўм туради, қаерда сотилади, деб сўрамоқчиям бўлди, аммо бу мавзу унга кўп хуш келмади. Ҳамма нарсанг етарли бўлатуриб, додлайверсанг ҳам яхши эмас-ку. Бирдан хаёлига жўрасининг қизчалик бўлгани келиб, чўнтак кавлади ва: «Тўнбичар қутлуғ бўлсин, умри узун бўлсин!», деди. Йигирма уч йил аввалги синфдош бўлиб юрган кунлари, маза-бемаза қилган ишларини эслаб мириқиб гурунглашгиси келди. Синфдошларининг аҳволидан сўзлади. Икки ойда бир марта йиғилиб туришлари, йиғилганда уч кило гўштнинг пулидан гаштак пул йиғишларини айтиб, сен ҳам қўшилсанг ўтиришга, болалар Худойқул бизларни менсимай кетди деб юрибди, бир миннатдан қутуласан, деди.

Худойқулнинг энсаси қотди. Ё пулни, ё дўстларини менсимагандай бўлди. «Ичларингда жони бори ким ўзи?» дея калака қилди. Дўсти хафа бўла бошлагинини кўриб «хўп-хўп, бошқа бундай демайман, мен сени масхара қилмадим-ку», деди ва тағин кулди.

Омондавлат энди унинг аввалги қадрдон синфдоши эмас, тамом бегона одамга айланиб бўлганини ҳис эта бошлади, афсусланишинида, бегонасирашини-да билмади. Билгани шу бўлдики, айни кезда ўзи ҳам, бола-чақаси ҳам бу уйда ортиқча экан. Бола-чақа билан бордикелди қилиш дурустроқ бўлади, қалинлашиш шундан бошланади, хотинлар ҳам, болалар ҳам бир-бирининг отини айтиб эслаб туриши яхшида, деб ўйлади. Бироқ бундай борди-келди Худойқулга керак эмасга ўхшайди. Меҳмон қизарди, бўзарди, хижолат бўлди. Телевизорга қараб ўтириб тош қотди, лекин қулоғи шапалоқ текандай қизиб турарди. Худойқул, гапи тескари бўлгани бир сари, дўстини дурустроқ сийламадиям. Дастурхонга тортилган биринчи таом мошхўрда бўлди. Мезбон бўлка нон кеса бошлади.

— Қишлоқнинг нон-патирлари бор эди, Сапуврага айт, опкесин, — деди меҳмон. Мезбон хотинига тайинлади, у қоп-қора бир нон ва бир патир олиб кирди.

— Ўзи бундай бўлгани билан таъми бошқачада, жониворнинг ранги сал қорарок, — деди мезбон ва дарров Омонга қараб: — Ростингни айт, ичасанми, ичсанг опкелтирай, — деб сўради.

— Шарт эмас, — деди Омондавлат яна телевизорга кўзини қадаб, косани олдига тортаркан, қўшиб қўйди:

— Йўқ бўлса, опкелтириб ўтирма.

Бу билан у ичгиси борлигини, «яримта» устида очилиб гурунглашишни соғинаётганини сездирган эди. Аммо...

Хўриллатиб мошхўрда ичишди.

Овқат ичиб бўлишлари ҳамон эшик қўнғироғи жиринглади. Башанг кийинган икки йигит кириб келди. Мезбон билан ўпишиб кўришгач, оромкурсига бемалол чўкишди, афтидан узоқ ўтиришга вақтлари бордай эди.

Мезбон ҳам дарров гирдикапалак бўлакетди. Меҳмонлар Худойқулнинг бизнес ҳамкорлари экан чоғи, тағин айни пайтда қаердандир бир ишни дўндириб қайтишган чамаси, мезбон уларга суюнчи бериши керакдай. Бир пасда дастурхонга сархил таомлар кела бошлади. Ерёнғоқ, парварда, конфет, туршак сингари «камбағалнинг» безаклари ҳаш-паш дегунча йиғиштирилди. Колбаса, қази, пишлоқ, товуқ гўштидан тортиб, бошмалдоқнинг бошидай хандон писта тўла тақсимчалар қўйилди. «Қишлоқи» меҳмон ҳушёрроқ тортиб ўтирарди. Булар нозик кишилар эканини сидқидилдан ҳис этгани учун у Худойқулни ўзи томонга имлаб қулоғига айтдики, қишлоқнинг ёнғоқ-майизларидан опкелган, тарвуз ҳам бор, хотининг сўйиб узатсин, зўр меҳмонларинг кепқопти, ахир.

Йўқ, Омоннинг гапи яна инобатга ўтмади, қайтанга бояги нон ва патир бўлаклари ҳам дастурхон кўркини бузди чоғи, йиғиштириб опқўйилди.

Ана холос! Бунақа дастурхонни ҳали-ҳануз кўрган эмас Омон. Қишлоқнинг тўйида елим ва сопол пиёлаларда вино ичиб хурсанд бўлиб юрган одам бу каби тансиқ таомлар борлигини, ҳайтовур, тасаввур қилгандир-ку, аммо кўрмаган эди.

Ҳадемай энг чиройли шишалардан ароқ ҳам қуйилди, оҳанжомали сўзлар, бир-бировини мақташу мақтанишлар бошланди.

Омондавлат буларнинг орасида ўзининг не нав инсон эканини англади, бегонасиради, бегонасираб талай марта балконга, ҳожатхонага бориб чекиб келди, бир чеккани олиб бошни буркаб ухлаб юборгиси ҳам келди, аммо бунгаям ор қилди, охиригача чидай, деди. Булар бўлса бири олиб, бири қўйиб ким билан қандай шартнома тузгани, неча милён туширганию уларни қандоқ ўзлаштириб, нимага сарфлашлари хусусида тинмай гапиришарди. Улар ўткир йигитларга ўхшайди, Худо билар, орқасида суяйдиганлариям бордир-да. Бир жингалак сочлиси жинси қўйлагининг кўкрак чўнтагидан гугурт қутисидан сал каттароқ нарсани олиб гапира кетганидан билдики, бу телефон, телевизорда кўрсатгани шу, э, садағанг кетай, ҳукумат, ана, бор бўл, қандингни ур, яша! Аммо бу телефонда фақат жиддий гапларни гапириш шартга ўхшамайди: бола дам бир хил хотинларга, дам буғалтирими, кимгадир бир қизга сира менсимай, охирида ўрисчалаб эркалаб ҳам мурожаат этди. Биргалашиб ичилавергани-данми, аввалги меҳмон билан кейинги меҳмонлар қовуша кетишди. Омондавлат ҳадеб булар каттa кетавергач, ё ғаши келдими, ё ўзи йиғиниб турган жойи борми, ҳартугул бир хил режалари борлиги, мабодо амалга оша кетса, Худойқул жўра, Сирғали бозоридан ўзинг бир «Жигули» танлашиб юборасан, деб айтди. Худойқул аввал кесакдан ўт чиққан янглиғ унга тааж-жубланиб қаради, кейин ичи ёришгандай, янгироғидан оласанми ё эскироғидан, деган маънода сўради:

— Қанчалигидан мўлжаллаяпсан?

— Милён бўлмайдими, — деб қўл силтади Омондавлат.

— О-ҳо, маладес, қўймайсан, — деди ўртоғи зўраки тантанавор оҳангда. Кейин ўзи пули борми-йўқлигига қизикди.

— Буғдой бор, жўра. Ҳозир арзон, қишда кўтарилади нарх, ўшанда уриб юбораман. Гап борда, билдинг?

— Билдик-билдик. Демак, бир милёнга сотасан?

— Балки икки милён бўлар, кўрамиз.

Қишлоқи меҳмон ҳам тоза ўлар-қолар жойда эмаслигини бирров кўрсатгиси келиб, тиллари бийрон бўлди. Шундай қилмаса булар одам қаторида кўрмайдиган.

— Ўзи ғалладан қанча олдинг? — дея сўради барибир шаҳар бергиси келмай, беписанд оҳангда Худойқул.

— Саккиз тонна чиқади ўзимники, етмаса Самарники бор. Уям қарийб беш тонна юк қилади. Ғалла бу йил кам одамларда, ҳадемай юз сўмдан ошар, дейман. Ишонганимиз шу-да, энди.

— Маъқул, лекин икки милён деб мақтанма. Бўларини айтавер, бир милён бўларкан-да у ёқ-бу ёғи. Оиланиям ташлаб қўймайсан-ку. Қишда машинаям роса кўтарилади-да лекин.

— Етмаса сен бор — нима ғамим бор.

— Шу етмай турувди. Ўзимам кутган эдим ўлигини ташласа керак деб, айтдим-ку боя, йўқмас, бор, лекин ололмаяпман деб.

— Қўрқма, ўлмайсан. Аввало сўрамайман, сўрасам йўқ дема, келишдикми?

— Ҳали қиш келсин, бир гап бўлар.

— Биламан, пул жигардан бўлармиш, шунинг учун ҳам болани отадан айиради, дейишади. Боя келганимдаёқ элдан бурун ёзғирдинг, очдан ўладигандай. Қиш келсин, дейсан. Қиш келганда қор ҳам сўрамасман сендан, хотиржам бўл, уйқунг ўчиб юрмасин яна синфдошим кепқолади деб.

«Қуйилсин, урилсин» давом этди. Иттифоқо юпқа, нозик ликопчаларда тарвуз келди. Омондавлат бироз кайфи ошгани боисми, тарвузга кўзи тушгани замон ичи ёришиб кетди. Ҳайҳай, ёш боладек севинди, дастурхоннинг эгасидай сезди ўзини. Дарров тили бурро тортиб, гапни даштнинг лалми қовун-тарвузларига буриб юборди. Ҳолбуки, тарвузни шундоқ Худойқулнинг уйи яқинидаги бозорчадан, танлаб олиб кўтариб келган, чамаси чўлаки, селитрага обдон тўйган қора тарвуз эди. Аммо шу баҳона Омондавлат болалигида экилмиш қовун, ҳандалак, тарвуз, бодринг, ошқовоқларни айни пишиқчилик чоғи полизга, яна айни ўзларининг полизига тиконли бодомча шох-шаббаларидан ясалган тўсиқ оша ўғирликка тушишлари, оқибат қоровуллаётган кампир — ўз энаси томонидан кетларига чўғдай босилмиш хивич зарблари хусусида чаҳ ура кетди. Чоғроққина ҳовлисига ҳар баҳор бодринг, помидор билан қўшиб ўн-ўн беш туп ҳандалагу қовун экканлари, улар палак отиб кетиши, сўнг ёнғоқдай туйнак қилишидан то ранги бўзаргунча бир ҳовли бола дамбадам «кўз-кулоқ» бўлиб: гоҳ ушлаб, гоҳ бурунларини текизиб ҳидлайверишгани сабаб онаси безор бўлиб қувганлари, боиси туйнакка ҳадеб одамнинг қўли тегаверса, азбаройи қўл заҳри таъсир этиб қовун ривожланмай қолар эмиш — ҳаммаҳаммасини завқ билан эслади. Шунингдек, хом сапчаларга бурнини теккизганда унинг тикондай туклари тирнаб кетишию, айниқса, эрталабларнинг бирор ҳандалак пишган бўлса, бутун ҳовлини муаттар ҳиди тутиб кетиши, тонгги ҳид, у орқали ҳандалакни қидиришнинг нақадар мароқли юмуш экани, палакларни у ён-бу ён ағдарганингда субҳидамдаги намхуш тупроқми, шудрингми, нимадир салқин нарсанинг палакларга қўшилиб бурнингга бир отсиз яшноқ ҳидлари урилиши, кишини энтиктириб юборишми... Ошқовоқ, тарвуз палакларининг пахса девордан оша тушиб йўл-йўлакай кўм-кўк ва сап-сариқ сапчалари ялтираб туриши, уй болалари уни кўча болаларидан қизғаниб қўриқлашлари, оталари кўча тараф деворига қабатма-қабат супурги экиб палакларини кўздан пана қилишлари ёхуд кучук боғлаб қўйишлари...

Беармон болаликнинг армон тўла излари булар.

— Қойил, — деди жингалак сочли меҳмон. — Э, қойил, қўйиб берса икки синфдош шоир бўлиб кетарсизлар.

— Ҳеч гап эмас, — деди Худойқул, — мана бу боланинг томири Жуманбулбулга туташ. Яна беш грам олса, қўлини танбур қилиб терма айтади.

— Илтимос қиламиз, шу нарсани айтманг, — дея илжайди бояги жингалак сочли. — Шу туркманча қўшиқ эшитсам, кечасиям ёмон тушлар кўраман. Бахшиларнинг овозини эшитсам, қўрқавераман.

Гап кулги учун айтилган бўлсаям, ҳарқалай бу йигитлар илло-билло бахшининг достону термаси тугул қишлоқнинг бояги орзу-эҳтиросга бой ҳаётини эшитишга-да тоблари йўқлиги сезилиб турарди. Шу боис Худойқул хато иш қилиб қўйгандай дарҳол «этагини йиғиштириб олди». Мактаб боласи шеър айта туриб бир жойида тўхтаб қолса, кимдир эслатса тағин шариллатиб айта кетади, шу сингари уям эрта-мертан божхонада ишлайдиган Қобилнинг олдига ўтиш ҳақидаги ўзининг масъулиятини англагач, икки шерикка, аниқроғи, меҳмонларнинг гулига такаллуфни давом эттираверди. Омондавлатимиз тағин уларнинг ишбилармонлигию катта гапларига маҳлиё бўлганича қолди. Қозонкабоб келтирилди. Ичилди. Тарвузга узалиб бир тилик олди. Еб бўлиб, пўчоғини ликопчага қўяр чоғ тағин донг қотди: бу бошқа тарвуз! Қорасидан обкелганди, буниси яшил-чипор.

Булар бизга тенг эмас, буткул бошқа одамлар экан баччағарлар, деган қойишга ўхшаш бир шиддатли ўй миясида мухрланди ва кайфияти тушиб кетди. Ароқдан ўзига бир пиёла тўлдириб қуйиб, охиригача сипқорди ва мен тўйдим дегандай пиёлани тўнкариб ташлади. Мақсади тезроқ маст бўлиб олиш, маст бўлишгина эмас, бошқа ҳолатга ўтгиси, зиқ вазиятдан қутулгиси келди, бир отим нос ҳам ташлаб юбордию мақсадига эришди.

Столдан четланиб оромкурсига чўкди. Бошини солинтирган кўйи қотиб ухлаб қолди. Кечроқ уйғонди. Боши ғувиллаб оғирди. Меҳмонлар кетган. Худойқул аллақачон ювиниб, соқолини олиб чой-пой ичиш тараддудини кўриб юрибди. Худди ҳеч бало кўрмагандай. Эрталабдан бир рус аёл «кукси» деган овқат келтириб берди. Кечаги овқатлар ҳам ҳойнаҳой буюртма билан келган бўлиши мумкин, деб ўйлади Омондавлат. Чунки аёли ёш болали-ку.

Соҳибдан узр сўради, кетамиз биз, деди. Мезбон ҳам кетсанг кетавер, дегандай қилди:

— Бир бемалол ўтириб келадиган бўлиб келасизлар. Бугун ўзимам Олмаотага учмоқчиман.

Омондавлат ўртоғи учун бу қадар аҳамиятсиз бўлганидан ўкинди, албатта. Болаларини, хотинини олиб йўлакдан чиққач, Худойқул йўлни ўзича тушунтириб юборди. Аммо хотини кўчагача улар билан бирга чиқди. Кўча бошида тўкиндихона бор экан. Омондавлат эътибор бермадию, хотини бир турттач, чўчигандай у ишора қилган томонга қаради: темир яшиклар ёнида худди кеча ўзи кўтариб келган тарвузларга ўхшаш икки тарвуз турибди. Нахотки, деди ўзича. Туршак, майизларниям чиқариб ташлаган бўлса-я.

«Эй инсон! Кечагина мен қатори эдинг-ку. Қишлоқдан, гувала деворли қишлоқдан чиқдинг-ку. Нима қилиқ ахир бу? Сенга милён сўмлик совға опкелишга пулим етмайди. Кўнгил, бу, дўст, кўнгил. Ҳақорат ҳам шунчалик бўлар. Келмасам, мен ҳам ўлиб қолмас эдим, обрўйингни қилай десам, тескариси бўлди. Бу ишинг яхши эмас, ҳеч яхши эмас. Жуда номаъқул! Охири вой бўлса керак, валлоҳу аълам!». Тилидан эса бу гап чиқди:

— Сапувра, бўлди, кетаверинг, Биз кимлигимизни энди билдик. Сизларни ҳам. Тамом. Хўп. Хайр. Раҳмат.

Шундоқ деб олдинга ўтиб илдамроқ юриб кетди. Бир хаёл яна ортга бурилиб, жиллақурса бир аччиқ гап айтгиси келдию, умрбод тескари бўлиб қолишдан чўчиб тўхтамай кетаверди.

ҚАДДИ РАСОНИ КЎРСАМ...

Аҳмад ШАЙДО

Ҳақ суйган бандада бўлгай бир хислат —
Полвонлик, ҳофизлик... сингари хилқат.
Изқуварлик ила орттирди шуҳрат,
Ҳамон халқ ёдида Маматқул изчи.

Йўқотиб, тополмай, мол қўриб бедор
Ўғрилар дастидан эл бўлди безор.
Бирма-бир уларни айлабон ошкор
Ҳануз эл оғзида Маматқул изчи.

Из топиш осонмас хислат бўлмаса,
Таваккал панд бергай кўнгил тўлмаса.
Ўғри тутиларди, агар ўлмаса,
Мос эди отига Маматқул изчи.

Изчининг довруғи таралди ҳар ён,
Ишонмай синашга тушди кўп инсон.
Бироқ топиб берди барин бенуқсон
Ҳамманинг олдида Маматқул изчи.

Дўкондан бошлабон оларди излар,
Қолганин эпларди ундаги ҳислар.
Бизда ҳам бўлган-да Шерлок Холмслар—
Ёзилмай қолди-да Маматқул изчи.

Унинг замонида ўғри, муттаҳам,
Юлғич, товламачи топишди барҳам.
Тенгсиз қолур не бир замон ўтса ҳам
Из топиш бобида Маматқул изчи.

* * *

Баҳри дилим очилгай гар ҳурлиқони кўрсам,
Кўксимга ҳузур энгай ул дилрабони кўрсам.

Қолмас танимда ғубор, ўзни қушдай сезурман,
Руҳимга озиқ бергай қадди расони кўрсам.

Тортганин билмай қолгум оҳанрабодай меҳри,
Асло йироқ кетолмам меҳригиёни кўрсам.

Ошуфта бўлиб кўнглим васлидан умид айлаб,
Орзуим бўлиб шояд ҳал муддаони кўрсам.

Мунча гўзал латофат, боққан бўлар асири,
Ойдай мудом жилоси сўнмас зиёни кўрсам.

Билмам не асрори бор паривашнинг ҳуснида,
Қолмас қалбимда қайгу зулфисиёни кўрсам.

Ишқим тушган санамдан ором олгач бу қалбим,
Висолига етишган хурсанд Шайдони кўрсам.

УСТОЗ

Нажмиддин КОМИЛОВ

Юртимизнинг азиз ва фидойи фарзандларидан бири аллома Ғайбуллоҳ ас-Салом эди. Бу зоти шариф менинг меҳрибон домлам, жонажон устозим эдилар. Камина бу инсон билан қирқ йилга яқин бирга ишладим. У кишининг хурсандлик, саодатли кунларини ҳам, изтиробли дамларини ҳам кўрдим. Ғайбуллоҳ ас-Салом кенг қамровли филолог олим, толмас тадқиқотчи, элликдан ортиқ фан номзодлари ва фан докторлари ишига раҳбарлик қилган, юзлаб шогирдлари билан фахрланиб юрадиган дарёдил одам эди. Мен Ғайбуллоҳ акадан нафақат илмий-тадқиқот олиб бориш йўл-йўриғини, балки, энг аввало, жуда кўп инсоний сабоқлар олганман. Чунки домламнинг бу фазилатлари унинг донишманд олим бўлиш баробарида эл-юрт дардида жон куйдирадиган, умр бўйи ўзбек қомусини тайёрлашда, кейинчалик Тошкент Давлат дорилфунуни (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)да таржима назарияси ва нашриёт ишлари кафедрасини тузишда, педагоглик фаолиятида яққол кўзга ташланиб туради.

Биринчи ўзбек қомуси 60-йилларда, шўро даврида тайёрланган бўлса ҳам, ўша давр тазйиқларига қарамай, тарихимизнинг жуда кўп ёрқин сиймолари, чунончи Амир Темур, Мирзо Бобур, Ҳусайн Бойқаро, Феруз, Беҳбудий, Фитрат, Мунаввар қори, Усмон Носир, Санжар Сиддиқ ҳақида мақолалар берилди, бой ўзбек маданиятини қамраб олишга имкон қадар ҳаракат қилинди. Академик Иброҳим Мўминов ва Ғайбуллоҳ ас-Салом бошчилигида бир гуруҳ ватанпарвар зиёлиларимиз кечаникеча, кундузни-кундуз демай, фавқулодда ғайрат билан бу ишни амалга оширганларига ўзим гувоҳ бўлганман.

Домланинг бу ғайрат-шижоати айрим шўропараст ғаламисларга ёқмади, у киши атрофида ғийбат-туҳматни авж олдирдилар, «партия қозонида қайнамаган, коммунист эмас» деб «айб» қўйдилар. Оқибатда Ғайбуллоҳ ака қомус бош таҳририятидаги лавозимидан воз кечишга мажбур бўлди.

Бироқ, у эзгу ниятларидан қайтмаган эди, ўзининг маърифатпарварлик фаолиятини олий ўқув юртида давом эттирди: Тошкент Давлат дорилфунунининг журналистика факультетида очилган таржима назарияси кафедраси мудири Ғайбуллоҳ ас-Салом атрофида тез орада ижодкор ёшлар тўплана бошладилар. Кафедра янги фикр, янги қарашлар ўчоғига, миллий маърифат жонкуярлари баҳс-мунозара қиладиган жойга айланиб қолди. Зеро, таржимашунослик — бу фақат икки тилдаги матнни чоғиштириш ёки бир тилдан иккинчи тилга таржима қилиш билан кифояланиш эмас эди. Баликлар ёзди, «Таржима тарихи», «Таржима услубияти», «Таржима назарияси асослари» деган дастурлар тузди, «Таржима санъати» тўпламининг олти китобини нашр эттирди ва ҳоказо.

Маълумки, таржимашунослик аслида бу қиёсий адабиётшунослик демак. Бир неча халқлар адабиёти, тили, урф-одатини яхши билмаган одам таржимашунос бўлолмайди. Ғайбуллоҳ ас-Салом китобларини ўқир эканмиз, унда ўзбек, олмон, инглиз, рус, форс адабиёти намуналари таҳлили, ҳар бир тилдан амалга оширилган таржималарнинг хусусиятлари чуқур тадқиқ этилганига гувоҳ бўламиз. У таржимани халқлар тафаккури ва дилини боғлайдиган олтин кўприк деб баҳолаб, бу йўлда хизмат қилган ижодкорларни юксак қадрларди.

Ғ.Саломов биринчилардан бўлиб А.Қодирий, Чўлпон, С.Сиддиқ каби қатағон қурбонларининг таржимавий меросини ўрганган кишидир. Унинг илмий изланишлари туфайли Миртемир, Ғ.Ғулом, М.Исмоилий, Й.Шамшаров, А.Мухтор ва бошқа ўнлаб адибларимизнинг ижоди тўлақонли ўрганилиб, муносиб тақдирланди.

Домланинг дарслари, маърузалари ўзининг юқори савиядаги мазмундорлиги, ижодийлиги билан талабалар қалбидан чуқур жой оларди. Домла бутун вужуди билан қуруқ ваъзхонликка, қотиб қолган усулларга қарши эди. У талабалар билан тезда иноқлашиб кетар, уларни қизиқтирган саволларга бамайлихотир жавоб берар, дарс шу тарика жонли суҳбатга айланиб кетарди. Ғайбуллоҳ ака аудиторияни оҳанрабодай ўзига жалб қилар, адабиётдан, тилдан мисолларни шундай мўҳирона тушунтирар, эҳтиросга берилиб сўзлардики, тингловчи унга маҳлиё бўлиб қоларди.

Домла самимий гапирар, аввало, ўзи таҳлил қилаётган матнлар, мавзулардан завқланар, юзлари қизариб, кўзлари порлаб кетарди. Бу эса тингловчиларга ҳам ўтиб, улар юрагига кириб борарди. У олий таълимни илоҳ қилиш ғоясини 70-йиллардаёқ кўтариб чиққан эди. Бироқ бунга у пайтда ким эътибор қиларди, дейсиз? Бунинг устига таржима назарияси кафедраси истеъдодли ёшларнинг ихлос қўйган жойи бўлгани «коммунистик тарбия» тарафдорларининг ғашини келтирарди. Кафедра журналистика факультетидан филология, ундан рус филологиясига, кейин эса роман- герман филологияси факультетига «бадарға» қилинди. Бундай муносабат Ғайбуллоҳ аканинг юрагига зарба бўлиб тушарди. Бунинг устига ўша ғаниларнинг туҳматлари туфайли домла номзодлик диссертациясини ҳам, докторлик диссертациясини ҳам Москвага бориб, иккинчи марта ҳимоя қилди. Бу ҳам унинг қалбига оғир дард бўлиб ўрнашди. Домла илмда ҳалол, заҳматкаш бўлгани каби ҳаётда ҳам ҳақгўй, чўрткесар одам эди. Пасткашлик, ғаламисликка тоқат қила олмас эди. Ва шунинг учун ўзи азият чекарди. Буларнинг аламини яна меҳнатдан оларди, ўзини аямасдан ишларди. Ёзганларини қайта-қайта таҳрир қилар ва ўзи машинкада босарди. Кечалари ухламасдан тонггача ишлаш одати бор эди. Битта сўз, битта жумлани ўн марталаб тузатар, то кўнгли тўлмагунча қўлёзма устидаги меҳнатни давом эттирарди. Домла шогирдларидан ҳам шундай ишлашни талаб қиларди. Шогирдга қаттиққўл устоз аспирантни шундай ишлатар эдики, натижада диссертация билан бирга диссертантнинг ўзи ҳам пишиб борар, илм заҳматини чекиб, ҳақиқий тадқиқот қадрига етадиган бўлиб қоларди. Шогирдлари илмий ишларини ҳимоя қилаётганда, домланинг худди ўзи ҳимоя қилаётгандай ҳар гал ҳаяжонланишини, боладай қувонишини кўрганман. Бундан ҳузурланарди, чунки у ижод учун, илм-маърифат учун дунёда яшарди. Унинг учун таътил кунлари ҳам, дам олиш кунлари ҳам иш кунлари ҳисобланарди. Ана шундай ижодий меҳнат маҳсули ўлароқ, таржима ва адабий танқидга оид китоблардан ташқари «Толибнома», «Армон», «Эй, умри азиз», «Эзгуликка чоғлан, одамзод», «Ҳалоллик бозорда сотилмайди» номли китоблари дунёга келди.

Ёднома

Кейинги китоблари шуни кўрсатдики, Ғайбуллоҳ ас-Салом зукко ва тафаккури кенг таржимашунос олимгина эмас, сермаҳсул адиб ҳамдир. Мазкур китоблар домланинг кўрган-кечганлари, устоз ва шогирдлари, ўрнак олса арзийдиган оддий инсонларнинг улуғ маънавияти ҳақидадир. Бу кичик-кичик ҳикоялар, лавҳаларнинг ҳар бири замирида ўзбекчилик фазилати, ўзбек кишисининг қалб гавҳари бўлмиш ажиб хислатлари ифодасини топган. Сайидризо Ализода, Иброҳим Мўминов, Воҳид Абдуллаев, Улуғ Турсун, Қутбиддин Муҳиддинов каби устозлар, маърифат фидойилари ҳақида ёзади, адиб. Аммо айни вақтда ҳеч бир амалу мансаб, илмий унвони бўлмаган, аммо ҳаётини эзгуликка, одамлар ҳожатини чиқаришга сарфлаган эътиқоди бутун, дили пок оддий кишиларнинг маънавий дунёси ҳам бу китоблар қатида чўғдай порлаб туради. Буларнинг ҳар бири бизга ибрат, сабоқ.

Зотан, Ғайбуллоҳ ас-Салом маънавият ҳақида оғиз кўпиртириб гапириш, назариябозлик қилишни хуш кўрмас эди, балки кўпроқ маърифатли, маънавияти баланд одамлар ҳаётини ўрганишни тавсия этарди. Бу улуғ инсоннинг умр йўли, ҳаётининг ўзи ҳам маърифатга жон фидо қилиш, маънавият бобида ибрат йўли намунасидир.

Ғайбуллоҳ акага жонажон Ватанимизнинг хушнуд кунлари — Мустақиллик йилларида яшаш насиб этди, эзгу ўзгаришларни кўриб, қувонди ва бунга муносиб ҳисса қўшиб кетди. Истиқлол — унинг армони, умр мазмуни эди. Шу боис, яккаю ягона ўғли Ҳабибуллодан ажралган бўлса-да, ўзини бардам тутиб, ғайрат билан ижод қилди. Унинг ўз услуби, ўзига хос овози бор эди. Домла фақат ёру биродарлари, шогирдлари, зиёли аҳлинигина эмас, балки бутун Ўзбекистоннинг эзгуликка қалби ташна кишиларини эҳтиром этарди, матбуотдаги чиқишлари, китобларини одамлар зориқиб кутардилар. Домла хоҳ тарихимиз, хоҳ яқин ўтмиш, хоҳ тил мақоми, хоҳ адабиёт ҳақида фикр билдирмасин, тоза ва ҳикматона гапларни айтар, айни ҳақиқат бўлган долзарб ишларга кишилар диққатини қарата оларди.

Президент ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ташкил этилган йилдан бошлаб, Ғайбуллоҳ ас-Салом шу олий даргоҳнинг профессори сифатида тингловчиларга дарс берди. Академиянинг илмий ҳаётида фаол иштирок этиб, жамоанинг чуқур эҳтиромига сазовор бўлган эди. Биз бу кекса алломанинг нурли қиёфаси, илмий кенгашлардаги залворли фикрлари, насиҳат-ўгитларига ўрганиб қолган эдик. Биз устоз билан фахрланардик. Умрини маърифатга, илмга сарфлаган, эзгулик йўлида меҳнат қилган бу заковатли инсоннинг руҳини Оллоҳ ўз жаннатидан сарафроз этсин, унинг ёрқин хотираси қалбимиздан ўчмагай. Зеро, олимнинг ҳаёти, илмий-бадиий мероси, ишлари шогирдлари умрида давом этади.

САНЪАТ АСАРЛАРИНИ ЎМАРИБ КЕТИШДИ

Москва. Хориждан келтирилган озиқ-овқат маҳсулотларини сотишга ихтисослашган тадбиркор. Б.нинг квартирасига яқинда ўғри тушди. Бир кун аввал уйида тунамаган тадбиркор эрталаб ўзининг хонадонига қайтиб келиб, квартираси шип-шийдам бўлиб қолганлигини кўрди: юлдузни бенарвон урадиган шоввоз ўғрилар мебелни, маиший техникани, бошқа қақир-қуқурларни чапдастлик билан ўмариб кетишипти. Жабрдийда хонадон соҳиби шундай дейди: «Жиноятчилар мойбўёқда битилган тасвирий санъат асарларини ўзлари билан бирга олиб кетишгани мен учун, айниқса, оғир йўқотиш бўлди, негаки улар орасида том маънодаги бадиий полотнолар ҳам бор эди-да».

Қўни-қўшниларнинг сўзларига қараганда, мазкур ўғрилар тадбиркорнинг квартирасини бир неча кун давомида зимдан кузатишган: ҳовлида отам замонидан қолган эски «Жигули» турарди; ана шу машинадаги одамлар тадбиркор Б.нинг хатти-ҳаракатларини — унинг қачон ишга жўнаб кетишини, қачон уйга қайтишини — обдан кузатишган. Дастлаб ҳеч ким мазкур автомобилда уй ўғрилари ўтирибди, деб ўйламаган. Масала бир гуруҳ нотаниш бадкирдорлар талайгина тасвирий санъат асарларини, мебел ва маиший техникани юк машинасига ортиб, эсон-омон жуфтакни ростлаб қолганларидан кейин ойдинлашди. Агар жабрдийда тадбиркорнинг сўзларига ишонадиган бўлсак, мазкур ўғрилик туфайли унга етказилган моддий зарар бир неча миллион рублни ташкил этади.

Москва ИИБ бошлиғи Владимир Пронининг берган маълумотларига кўра, кейинги вақтларда шаҳарда квартираларни ўмариш сони бир ярим бараварга ошган. «Афсуски, — дейди у алам билан, — мазкур жиноятларнинг кўпчилиги очилмасдан қолиб кетмоқда».

Душанба '10.II

«Ўзбекистон» телеканали

Телетомошабинлар диққатига! Профилактика муносабати билан душанба 10 феврал куни «Ўзбекистон» телеканали кўрсатувлари соат 15.00 дан бошлаб кўрсатилади.
15.00 «Таҳлилнома».
15.45 «Тўртинчи ҳокимият».
16.05 «Камилла». Телесериал.
16.35 «Бу ажиб фасл». Телеальманах.
16.55 «Наво тонди Навоий».
17.55 ТВ маркет.
18.00 ЯНГИЛИКЛАР
18.10 Болалар учун. «Санъат гунчалари».
18.30 «Мулкдор».
18.45 «Бахтли воқеа». Телелотерея.
19.15 Бир жуфт қўшиқ.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.35 ЭЪЛОНЛАР
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 **2003 йил - Обод маҳалла йили.** «Кўпчилик қаторида».
21.30 «Тупроққа таъзим». Х. Шарипов.
22.05 **«Узбекистон» каналида илк маротаба:** «Камилла». Телесериал.
22.40 «Олтин мерос».
22.50 «Ахборот-дайжест».
23.10-23.15 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканали

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр тонги.
10.00 Янги авлод студияси: «Келинг танишайлик».
10.25 Ўйна, болажон, ўйна.
10.40 Саломатлик сирлари.
11.00 ТВ-анонс.
11.05 «Давр» ҳафта ичида.
11.35 Мусиқий лаҳзалар.
11.45 Жаҳон жуғрофияси.
12.35 Давр-news.
12.55 Болалар экрани: «Фантадром».
13.25 Дунё ажойиботлари.
13.45 «Табиб». Бадиий фильм. 1-қисм.
14.50 Спорт ҳафтаномаси.
15.05 «Табиб». Бадиий фильм. 2-қисм.
16.10 Ғазал соғинчи. Алишер Навоий.
16.30 Кўрсатувлар дастури.
16.35 «Янги авлод» почтаси, болалар учун концерт.
17.05 ТВ-анонс.
17.10 «Динозаврлар билан сайр». Телесериал. 1-қисм.
18.00 Ёшлар овози.
18.20 Кўҳна оҳанглар.
18.30 Соғлом она - соғлом бола. 1-кўрсатув.
18.50 ТВ-анонс.
18.55, 21.55 Иклим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Эрта сўнган юлдузлар.
20.00 Ёшлик қўшиклари.
20.15, 21.25, 22.35 ЭЪЛОНЛАР
20.20 «Олис осмон». Видеофильм.
21.30 Қишлоқдаги тенгдошим.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.10 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида - 23.55 Давр.

«Тошкент» телеканали

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал. «23,5 даражали бурчак остида». 76-қисм.
17.45, 19.05, 21.55 «Экспресс» телегазетаси.
18.05 Болажонлар экрани.
18.30, 20.00, 21.15 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Спорт ва болалар».
19.25 «Халқ саломатлиги йўлида».
19.45 «Жозиба».
20.30 ТТВда сериал. «Мафтункор аёл».
21.35 «Сополда акс этган дунё». Ҳужжатли фильм. «Ўзбектелефильм».
22.15 «Пойтахт шарҳи».
22.40 Кинонигоҳ. «Осмондан тушган фаришталар». 24.15-24.20 Ҳайрли тун, шаҳрим!

«Халқаро» телеканал

Биринчи канал
7.30-9.00
16.30 Кўрсатувлар тартиби.
16.35 «Вести».
16.50 «Хазиналар уммони».
17.15 «Дилбарим ва дилбандларим». Сериал.
18.00 «Евроньюс» янгиликлари.
Биринчи канал
18.25 «Ҳазил кетидан ҳазил». Ҳажвий кўрсатув.
19.00 «Мени кутгил».
20.00 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин.
21.00 «Время»
21.40 «Сўнгги қаҳрамон-3». ЎзТВ–IV
22.40 «Бизнес – ревю».
22.45 «Тристан ва Изольда». Сериал.
0.15 «Ахборот» (рус тилида)

Сешанба '11.II

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Ғазеталар шарҳи.
9.00 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.40 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР
10.05 «Кўпчилик қаторида».
10.30 «Шум бола». Бадиий фильм.
12.05 «Тупроққа таъзим». Х. Шарипов.
12.40 «Талабалик йилларим».
13.00 С. Аҳмад. «Фармонбиби аразлади». Спектакль. 1-қисм.
14.10 «Муносабат».
14.45 «Фармонбиби аразлади». Спектаклнинг давоми. 2-қисм.
15.45 «Обод уйда пок одамлар яшайди».
16.05 «Камилла». Телесериал.
16.35 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».
18.10 «Сеҳрли оҳу». Мультфильм.
18.30 «Баркамол авлод орзуси».
18.50 «Тафсилот».
19.10 Мумтоз наволар.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.25 ЭЪЛОНЛАР
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 Ўзбекистон халқ артистлари.
21.30 «Олам футболи».
21.55 «Тоғлик қуёв». Бадиий фильм. 1-қисм.
23.25 «Ахборот-дайжест».
23.45-23.50 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканали

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Янги авлод» почтаси, болалар учун концерт.
9.45 «Мульттомоша».
10.00 Кўҳна оҳанглар.
10.10 ТВ-анонс.
10.15 Кинотақдим.
10.35 «Динозаврлар билан сайр». Телесериал. 1-қисм.
11.25 Ёшлар овози.
11.45 «Олис осмон». Видеофильм.
12.50 Интерфутбол.
14.30 «Маҳаллада дув-дув гап». Бадиий фильм.
15.50 Кўрсатувлар дастури.
15.55 «Янги авлод» студияси: «Дунё ва болалар», «Қўшиқ бизларга ҳамрох».
16.25 «Динозаврлар билан сайр». Телесериал. 2-қисм.
17.15 Солиқ ҳақида сабоқлар.
17.30 Минг бир маслаҳат.
17.50 Ёшлар овози.
18.10 Соғлом она - соғлом бола. 2-кўрсатув.
18.30 Автопатруль.
18.50 ТВ-анонс.
18.55, 21.55 Иклим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Ҳандалак - плюс.
19.45 Муҳаббат қўшиклари.
20.05 Давр-интервью.
20.20, 21.30, 22.35 ЭЪЛОНЛАР
20.25 «Ёшлар» телеканалида премьера: «Тақдир йўллари». Телевизион бадиий фильм. 1-қисм («Ўзбектелефильм»)
21.35 Ҳандалак - плюс.
21.40 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.10 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: «Нокаут».
23.35 Давр.
23.50-23.55 Хайрли тун!

«Тошкент» телеканали

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал. «23,5 даражали бурчак остида». 77-қисм.
17.45, 19.00, 21.50 «Экспресс» телегазетаси.
18.05 Болажонлар экрани.
18.20 «Саньат сарҳад билмас».
18.30, 20.00, 21.00, 22.10 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Мусиқий танаффус».
19.20 «Химоя».
19.35 «Мумтоз наволар». Исмоилхон ва Маҳаммадхон Ҳотамовлар.
20.30 «Биринчи бўса». Қиска метражли бадиий фильм.
21.20 «Туризм ҳақида».
22.35 Кинонигоҳ. «Ёр-ёр».
23.40-23.45 Ҳайрли тун, шаҳрим!

«Халқаро» телеканал

Биринчи канал
7.30-9.00
16.30 Кўрсатувлар тартиби.
16.35 «Вести».
16.50 «Мультсеанс».
17.15 «Дилбарим ва дилбандларим». Сериал.
18.00 «Евроньюс» янгиликлари.
Биринчи канал
18.25 «Машҳурлар». Тамара Глоба.
19.00 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.
20.00 «Заиф бўғин». Телеўйин.
21.00 «Время».
ЎзТВ–IV
21.40 «Бизнес-ревю».
21.45 «Муз zone».
22.00 «Витас ижросидаги концерт дастурида.
22.50 FCN Ўзбекистон янгиликлари **(инглиз тилида)**
23.00 Кинематограф. «Ҳаёт сурури». Бадиий фильм.
0.35 «Ахборот» **(рус тилида)**
1.05 «Тунингиз осуда бўлсин!»

Чоршанба '12.II

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Ғазеталар шарҳи.
9.00 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Кошона».
9.40 «Соғлом она - соғлом бола».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР
10.05 «Олам футболи».
10.30 «Эттинчи жин». Бадиий фильм.
11.30 «Тафсилот».
11.50 Мусиқий танаффус.
12.05 «Рангин дунё».
12.25 «Тарона» фольклор-этнографик ансамблининг концерти.
12.40 «Яхшилик». Телешоу.
13.10 «КиноТеатр».
13.30 Волейбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. Супер лига.
14.10 «Баркамол авлод орзуси».
14.30 «Остонаси тиллодан».
14.55 ТВ анонс.
15.00 «Тўйлар муборак». Бадиий фильм.
16.05 «Ягона оилада», «Болалар сайёраси»:
16.35 1. «Сеҳрли ҳарфлар оролчаси». 2. «Қизиқарли учрашувлар».
17.40 «Ишонч».
18.10 «Ҳунарманд».
18.30 «Умид». Телелотерея.
19.00 «Истеъмолчи».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.45 ЭЪЛОНЛАР
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Юзма-юз».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Тараққиёт уфқлари».
21.25 «Бир жуфт қўшиқ».
21.35 «Олтин бешик».
22.00 **«Ўзбекистон» каналида илк маротаба:** «Камилла». Телесериал.
22.30 «Юрт ўғлонлари». Спорт дастури.
22.50 «Ахборот-дайжест».
23.10-23.15 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканали

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Дунё ва болалар», «Қўшиқ бизларга ҳамрох».
9.45 «Мульттомоша».
10.00 Давр-интервью.
10.15 Мусиқий лаҳзалар.
10.25 ТВ-анонс.
10.30 «Динозаврлар билан сайр». Телесериал 2-қисм.
11.20 Солиқ ҳақида сабоқлар.
11.35 «2000 йилдан сўнг». Сериал.
11.55 Ёшлар овози.
12.15 Болалар экрани: «Фаррух ва Зумрад». Мультфильм.
12.30 Эрта сўнган юлдузлар.
12.50 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: 1. «Нокаут» 2. Теннис.
13.55 «Олтин баликча». Видеофильм. 1, 2 қисмлар.
14.35 Автопатруль.
14.55 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
15.45 Кўрсатувлар дастури.
15.50 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар», «Ҳамма нарсани билишни истайман».
16.20 «Динозаврлар билан сайр». Телесериал. 3-қисм.
17.10 Ёшлар овози.
17.30 Чемпион сирлари.
17.50 Кўҳна оҳанглар.
18.00 Кафолат.
18.20 Ракурс.
18.40 Каталог.
18.50 ТВ-анонс.
18.55, 21.55 Иклим.
19.00 Давр.
19.35 Мусиқий лаҳзалар.
19.45 «Давр» - репортаж.
19.55 Жараён.
20.25, 21.10, 22.35 ЭЪЛОНЛАР
20.30 «Мерлин». Бадиий фильм. 3-қисм.
21.15 Оҳанрабо.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 Тунги тароналар.
22.55 «Ёшлар» телеканалида премьера: «Теран томирлар». Бадиий фильм. 1-қисм.
0.20-0.25 Ҳайрли тун!

«Тошкент» телеканали

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 «Мультчархпалак».
17.40 «Жаҳон географияси».
22.45 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.10 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида -23.55 Давр.
1.00-1.05 Хайрли тун!

«Тошкент» телеканали

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 «ТТВда сериал: «23,5 даражали бурчак остида». 78-қисм.
17.45, 19.10, 21.55 «Экспресс» телегазетаси».
18.05 «Мусиқий меҳмонхона».
18.30, 20.00, 21.15, 22.15 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Ҳамшаҳарлар».
19.30 «Аёл-она, мураббий, раҳбар» телеклуби.
19.50 Мусиқий лаҳзалар.
20.30 ТТВда сериал. «Мафтункор аёл».
21.35 «Долзарб мавзу».
22.40 Кинонигоҳ. «Фландрия ити».
0.10-0.15 Хайрли тун, шаҳрим!

«Халқаро» телеканал

БИРИНЧИ КАНАЛ
7.30-9.00
16.30 Кўрсатувлар тартиби.
16.35 «Вести».
16.50 «Дунёнинг янги мўъжизалари».
17.20 «Дилбарим ва дилбандларим». Сериал.
18.05 «Евроньюс» янгиликлари.
Биринчи канал
18.25 Е. Петросяннинг «Кулгу панорамаси».
19.00 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.
20.00 «Рус рулеткаси».
21.00 «Время»
ЎзТВ–IV
21.40 «Бизнес-ревю».
21.45 «Тристан ва Изольда». Сериал.
23.15 «Ахборот» **(рус тилида)**
23.50 Кинематограф. «Флинстоунлар». Бадиий фильм.
1.10 «Тунингиз осуда бўлсин!»

Пайшанба '13.II

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ маркет.
8.40 Ғазеталар шарҳи.
«Болалар сайёраси»:
9.00 1. «Сеҳрли ҳарфлар оролчаси». 2. «Қизиқарли учрашувлар».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР
10.05 «Алифбо сабоқлари».
10.20 «Ўғирланган». Бадиий фильм.
12.05 Волейбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. Супер лига.
12.35 «Қизил гул». Мультфильм.
13.15 «Тараққиёт уфқлари».
13.35 «Олтин бешик».
14.10 **Кундузги сеанс:** «Катта бўлишни хоҳламайман». Бадиий фильм.
15.20 «Яхшилар ёди».
15.40 «Мусиқа ва театр».
16.00 «Камилла». Телесериал.
16.30 «Шаҳс ва жамият».
«Болалар сайёраси»:
16.45 1. «Болаликнинг мовий осмони». 2. «Бешбармоқ». Тележурнал.
17.45 «Ҳарита». Халқаро шарҳ.
18.10 «Ўзбекистон: XXI аср ёшлари».
18.30 «Яхши ният». Телелотерея.
19.00 «Инсон ва қонун».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.55 ЭЪЛОНЛАР
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 Телемулокот: Хусусийлаштириш: кеча ва бугун.
21.45 Бир жуфт қўшиқ.
22.00 **«Ўзбекистон» каналида илк маротаба:** «Камилла». Телесериал.
22.30 «Спорт, спорт, спорт».
22.45 «Новб тур». Бадиий фильм.
0.00 «Ахборот-дайжест».
0.20-0.25 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканали

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар», «Ҳамма нарсани билишни истайман».
9.45 «Мульттомоша».
10.00 Тафаккур ёлқинлари.
10.15 Мирзо Бобур ғазалларидан бирини айтиладиган қўшиқлар.
10.30 ТВ-анонс.
10.35 «Динозаврлар билан сайр». Телесериал. 3-қисм.
11.25 Спорт-китъаси (рус тилида)
11.55 Чемпион сирлари (рус тилида)
12.15 Болалар экрани. Мультфильм.
12.40 Ёшлар овози.
13.00 Интерфутбол.
14.40 Ракурс.
15.00 «Куста командасининг сув оти саргузаштлари». Телесериал.
15.50 Кўрсатувлар дастури.
15.55 «Янги авлод» студияси: «Катта танаффус».
16.20 ТВ-анонс.
16.25 «Динозаврлар билан сайр». Телесериал. 4-қисм.
17.15 Ёшлар овози.
17.35 Огох.
17.50 Озод юрт фарзандлари.
18.10 Бархаёт Бобур.
18.30 Табобат оламида.
18.50 ТВ-анонс.
18.55, 21.55 Иклим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 «Coscom» хабарлари.
19.45 Севги тароналари.
20.00 Давр-интервью.
20.15 Одамлар орасида.
20.35, 21.25, 22.35 ЭЪЛОНЛАР
20.40 «Мерлин». Бадиий фильм. 1-қисм.
21.30 Мезон.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.10 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида - 23.55 Давр.
1.00-1.05 Хайрли тун!

«Тошкент» телеканали

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал «23,5 даражали бурчак остида». 79-қисм.
17.45, 19.05, 22.25 «Экспресс» телегазетаси.
18.05 Болажонлар экрани.
18.15 «Билим» телеклуби.
18.30, 20.00, 21.15, 22.45 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Навниҳол».
19.25 «Ҳанда дўкони».
19.50 «ТТВда мусиқа».
20.30 ТТВда сериал: «Мафтункор аёл».
21.35 «Дорихона эшитади». Бевосита мулокот.
23.10 Кинонигоҳ. «Аманда». 0.40-0.45 Ҳайрли тун, шаҳрим!

«Халқаро» телеканал

БИРИНЧИ КАНАЛ
7.30-9.00
16.30 Кўрсатувлар тартиби.
16.35 «Вести».
16.50 «Хазиналар уммони».
17.15 «Дилбарим ва дилбандларим». Сериал.
18.00 «Евроньюс» янгиликлари.
Биринчи канал
18.25 «Биз анойи эмасмиз». Ҳажвий кўрсатув.
19.00 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.
20.00 «Заиф бўғин». Телеўйин.
21.00 «Время».
ЎзТВ–IV
21.40 «Бизнес ревю».
21.45 «Ишбилармон кишилар».
22.05 «Юксак технологиялар олами».
22.15 «Соккер клуб».
22.35 CFI тақдим этади: «Аср нинг буюк инсонлари».
23.25 «Ахборот» **(рус тилида)**
24.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»

Жума '14.II

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Ғазеталар шарҳи.
«Болалар сайёраси»:
9.00 1. «Болаликнинг мовий осмони». 2. «Бешбармоқ».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР
10.05 «Инсон ва қонун».
10.30 «Бинафша ранг шар». Бадиий фильм.
11.45 Мусиқий танаффус.
12.05 «Спорт, спорт, спорт».
12.20 «Ўзбекистон: XXI аср ёшлари».
12.40, 13.55 ТВ анонс.
12.45 Волейбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. Супер лига.
13.20 «Олам». Телеальманах.
14.10 Телемулокот. Хусусийлаштириш: кеча ва бугун.
14.50 «Труншининг муҳаббати», «Оқ бури». Мультфильмлар.
15.05 «Моҳият».
15.25 «Фарзанд - умид юлдузи».
15.50 «Камилла». Телесериал.
«Болалар сайёраси»:
16.20 «Ўйла, изла, топ». Телемусобақа.
17.40 «Нурли манзиллар».
18.10 «Тиббиёт одимлари».
18.25 Эстрада тароналари.
18.45 «Тафсилот».
19.05 «Ҳидоят сари».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Долзарб мавзу».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Муносабат».
21.40 Бир жуфт қўшиқ.
21.50 **«Ўзбекистон» каналида илк маротаба:** «Камилла». Телесериал.
22.20 «Буюк аждодларимиз». Захириддин Муҳаммад Бобур.
22.40 «Олмазор». Бадиий фильм.
23.55 «Ахборот-дайжест».
0.15-0.20 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканали

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Катта танаффус».
9.40 «Мульттомоша».
9.55 Давр-интервью.
10.10 Мусиқий лаҳзалар.
10.25 ТВ-анонс.
10.30 Бархаёт Бобур.
10.50 Ёшлар овози.
11.10 «Динозаврлар билан сайр». Телесериал. 4-қисм.
12.00 Минг бир маслаҳат.
12.20 «Мерлин». Бадиий фильм. 1-қисм.
13.05 Мезон.
13.25 Одамлар орасида.
14.05 Интерфутбол.
15.25 «Оҳ

Учрашув

Мукамбар РАҲИМОВА: "ЭСМЕРАЛДА"ни кўрганлар ва кўрмаганлар...

Мукамбар Раҳимовани кино санъати мухлислари жуда яхши биладилар. Ўзбек дубляж санъатининг энг ёркин саҳифаларини унинг ижодисиз тасаввур қилиш мушкул. Мукамбар опа актёр сифатида ҳам, режиссёр сифатида ҳам, дубляж санъати учун жуда кўп иш қилди. Шу сабабли Президентимиз Фармонига биноан «Ўзбекистон халқ артисти» унвони билан тақдирланди. Суҳбатимиз аввалида санъаткорни унвон билан табрикладик.

— Бу унвонни нафақат менга, балки ўзбек дубляжига берилган юксак мукофот деб биламан. Қолаверса, камтарона меҳнатимнинг юксак тақдирланиши бу.

— Суҳбатимиз бевосита дубляж ҳақида экан, келинг гапни фаолиятингизнинг илк саҳифаларидан бошласак...

— Ўқувчилик давримдаёқ дубляжга қатнардим. Ўзим тенги ўсмирларга овоз берардим. У пайтлар дубляжда Шукур Бурҳонов, Сора Эшонтўраева, Ҳамза Умаров ва Раҳим Пирмуҳамедовдек устозлар ижод қилишарди. Бу санъатнинг алифбосини улардан ўргандим. Дубляжда ўз ўрнимни топишимда Ҳамза аканинг кўп ва хўп меҳнати сингган. Санъат сирларини пухта эгаллаш мақсадида Санъат институтининг кино актёрлиги факультетига ўқишга кирдим. Устозим Назира Алиеванинг ўгитлари менга бир умрлик сабоқ бўлди. Талабалик йилларимда ишлаб чарчамасдим, ўқирдим, қадрдон дубляжимга чопардим, Ҳамза номидаги театрда оммавий саҳналарда чиқардим.

— Ўқишни тугатиб яна дубляжга қайтишингизга шу санъатга муҳаббатингиз сабаб бўлганми?

— Йўқ, бунинг тарихи узун. Ўқишдан сўнг Ҳамза номидаги театрга йўлланма беришди. Оммавий саҳналарда қатнашсам-да, актёрлар оламида анча танилиб қолгандим. Аммо баъзи «дўстларнинг шарофати» билан театрда ишлаш насиб этмади. Бу орада оила қуриб, фарзандли бўлдим. Театрга бўлган муҳаббатим туфайли режиссёрлик бўлимига ўқишга кириб, муваффақиятли битирдим. Бу гал ҳам йўлланма Ҳамза номидаги театрга берилди. Афсуски, ўша ҳол яна такрорланди. Шу аснода Жиззах ва Фарғона театрларига ишга чақиришди. Оилали бўлганим учун бориб ишлолмадим. Лекин Фарғона театрида 1970 йили Максим Каримовнинг «Шанба куни тўй» асарини саҳналаштирдим. Спектакл йилнинг энг сара асари сифатида тақдирланди. Хуллас, театр мен учун орзулигича қолди. Бу вақтда Шуҳрат Аббосов «Ўзбекфилм»да раҳбар эдилар. Дубляждаги кўп йиллик меҳнатимни эътиборга олибми, дубляж режиссёри этиб тайинлашди. Шундай қилиб, дубляж ҳаётимнинг мазмунига айланди.

— Дубляж актёри учун маҳорат ва тажрибанинг ўзи кифоями?

— Актёрда, аввало, Яратгандан берилган «нима»дир бўлиши керак. Қолгани меҳнат ва изланиш туфайли рўёбга чиқади. Айниқса, дубляж сермашаққат жараён. Филмларда ролни қойиллатиб ижро этадиган актёрлар бор, лекин овозлари дубляжга тўғри келмайди. Дубляж кенг қамровли, эҳтиросли, соф талаффузга эга бўлган овозни талаб этади. Дубляж актёри бир жойда қимирламай туриб таниш-нотаниш муҳит ва ҳолатларга туша олиши керак. Баъзан маҳорат жиҳатдан ўзингиздан юксакроқ актёрга ҳам овоз берасиз. Жиндек хато ўзга бир актёрнинг меҳнатини чиппакка чиқариши мумкин.

Дубляж дегани — игна билан қудуқ қазиш. У нафақат актёр ва режиссёрнинг, таржимон ва муҳаррирнинг ҳам меҳнати маҳсули.

— Таржимон ва муҳаррирга қандай талаблар қўйилади?

— Илк дубляж филмларига Абдулла Қаҳҳор, Туроб Тўла, Одил Ёқубов, Қодир Мирмуҳамедов ва Озод Шарафиддинов каби адиблар таржимонлик қилишган. Уларнинг таржималари мумтоз даражага кўтарилган эди. Бинобарин, ҳозирги таржимонларнинг ишлари ҳам уларникидан кам бўлмаслиги керак. Филм таржимасига беписандлик эса кимлардир яшнатиб кетган боғни пайҳон қилиш билан баробардир. Афсуски, ҳозирги таржима матни бу филмларга овоз бераётган актёрларнинг ҳам талаффузини бузади. Ҳар бир актёр ўз шевасида сўзлай бошласа, асар географиясини ҳам унутиб кўясиз. Бир актёр бир неча қаҳрамонга овоз бериши бир хилликни келтириб чиқариб, дидингизни бузади. Овоз либос эмаски, модага қараб ўзгарса...

— Шу каби хато ва камчиликларни бартараф этиш учун сизга ўхшаш дубляж усталарининг тажрибаларини ўрганишса бўлмайдими?

— Агар шахсан менга келсак, тажрибани холисона ўртоқлашишга тайёрман. Лекин ўрганишни исташмаса-чи? Бир неча маротаба хизматимни таклиф этдим, кўнишмади... Начора! Мақсадим шогирдлар етиштириш, қуруқ танқид билан чекланмай, камчиликларни бартараф этишга ёрдам бериш, устозлар анъанасини ёшларга қолдириш. Биласизми, катта анъанага эга бўлган ўзбек дубляжини истаган кўйга солишларига бефарқ қаролмайман.

— Устозларингизни ёдга олганда, Ҳамза Умаровни ҳам эсладингиз...

— Ҳамза ака чин маънодаги дубляж актёри эди. Устоздан сўз қадрини, соф талаффузни, бурчга садоқатни ўргандим Бу одам ўз ролларининг муаллифи ва режиссёри эди. Сўзга талабчан Ҳамза ака иш жараёнида ҳаракат ва воқеликка боғлиқ сўзларни топа олгани учун, унинг ўзгартиришларига муҳаррирлар кўп ҳам эътироз қилишмасди. Сўзнинг вазнини ҳис қилар, талаффуз ва урғунинг жойини топарди. Агар ишдан кўнгли тўлмаса, эртасига шу ерга хос ҳолатни ўрганиб келиб, қайтадан овоз берарди. Меҳнат ва машаққатдан қочмасди. Бетакрор ва ҳассос санъаткор эди.

— «Озарбойжонфилм»да яратилган «Қайнона» комедиясидаги қайнонага овоз бергансиз-а?

— Эркакшода, барваста кампирга қандай овоз бергансиз, демоқчисиз-да. Белимни рўмол билан маҳкам боғлаб, милк ва танглайимга болалар пластилинини ёпиштириб, нафасимни кўкрак қафасимга тўплаб, сўнг сўзлаш туфайли овоз берганман бу образга. Дубляж актёрдан маҳорат ва изланишни талаб қилувчи санъат.

— Эшитишимча, русзабон мактабни тамомлаган экансиз. Ўзбек тилида соф талаффузда сўзлашга қандай эришгансиз?

— Мактабда рус тилида ўқиганим билан она тилим ўзбек тили, оилада ўзбекча сўзлашардик. Талаффузимдаги табиийликни Навоий, Машраб, Нодира ва Увайсийлар шеърияти туфайли, устозларим Назира Алиева, Муҳсин Ҳамидовларнинг ўгит ва меҳнатлари ҳамда дубляждаги устозларимнинг хизмати меваси деб биламан.

— Рус тилидаги филмларга ҳам овоз берганмисиз?

— «Ўзбекфилм»да яратилган филмларни рус тилига ўгирганмиз. Лекин режиссёрнинг талаби билан ўзбек диалектикасига хос таржима қилганмиз. Рус тилида радио эшиттириш олиб боришга чақиришганда рози бўлмаганман. Сабаби, сўзлашув бошқа, бадиий матн талқини бошқа. Матн руҳига кирганда, хато қилишдан чўчиганман. Қилган ишимдан аввало ўзим қониқишим керак-да. Иккиланган, ўзим ишонмаган ишга ҳеч қачон қўл урмайман.

— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат, соғ бўлинг.

Суҳбатдош: Ҳайитали ХОЛМИРЗАЕВ

Доимий ҳамроҳ

"ЁРИМ КЕТАМАН ДЕЙДИ..."

Маҳмуд Сатторовнинг «Доира сеҳри» албом-рисоласи мазмун мундарижаси билан янгича китоб. Бу рисола ҳам қаҳрамон фаолияти ҳақида маълумот беради, ҳам оқ-қора, рангли суратлар билан бу фаолият моҳиятини бойитади.

Унда Ўзбекистонда доира санъатининг тарихи ва бугунги куни, доира усталари, санъаткорлар Қаҳрамон Дадаев ва унинг шогирди Талъат Сайфутдиновларнинг маҳорат мактаби, ҳаёт ва ижод йўли ҳақида кенг маълумотлар берилади.

Рисола бир неча боб ва қисмлардан ташкил топган. У Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидовнинг санъат ҳақидаги ғазали билан бошланиб, доира сири, санъати ҳақидаги саёҳат билан давом эттирилади. «Санъат—саодат» бобида доира санъати, «Баҳор» ансамбли ва Қаҳрамон Дадаев фаолияти чамбарчас боғлиқликда кўрсатиб ўтилади. «Садоқат» қисмида устоз-шогирдликнинг ўзига хос қирралари икки қаҳрамон мисолида характерлаб берилади. «Бармоқдаги юрак зарблари» қисми Қаҳрамон Дадаевнинг санъаткорлигидан ташқари инсон сифатидаги фазилатларини ҳам кўрсатишга хизмат қилган.

Театршунос Б.Насриддинов ва рақҳоса Н.Зулуновалар ҳикоялари санъат, хусусан, рақс ва бу жараёнда доира созининг ўрнини очиб беришда мутахассис фикри ва амалий таҳлил сифатида муҳим аҳамият касб этган.

«Мулоқот»да муаллиф ўз қаҳрамонлари олдига кўндаланг савол қўйиб, ўзбек доира санъатининг ва янги авлод санъаткорларининг истиқбол йўли ҳақида кескин баҳсга киришади. Мунозара доира санъатининг тадрижий йўлини кўрсатади.

Доира санъатига бағишланган аския яхлит асар сифатида китоб мазмунини бойитиб, уни янада қизиқарли қилган. Унда Қаҳрамон Дадаевнинг иштироки санъаткорнинг яна бир ноёб истеъдодидан далолат беради.

Албом-рисоланинг «Ўзбек зиёлилари устоз-шогирд Қаҳрамон Дадаев ва Талъат Сайфутдинов санъати ҳақида» деган бобида халқимизнинг атоқли зиёлилари бу икки санаъткорга, улар маҳоратига юксак баҳо берганлар. «Талъат Сайфутдинов билан суҳбатлардан» деб аталган бобда содиқ шогирднинг санъат мактабига кириб келиши, изчил ўрганиши, ўзи устоз санъаткор даражасига етишиши йўллари ҳақида ҳикоя қилинади.

Хотимада «Баҳор» ансамбли, доира санъати, халқимизнинг бу оммабоп сози ҳақидаги фикрларга якун ясалган.

«Доира сеҳри» китоби санъатимиз тарихи, айниқса, доира усталари мактаби, «Баҳор» рақс ансамбли ҳақида халқимизга, ёшларга зарур маълумотларни, беради, деб ўйлайман.

Рашид БОЙТУЛЛАЕВ, санъатшунос

ТЕАТР

Аброр Ҳидоятов номидаги драма театрида «Ёрим кетаман дейди» спектакли премьераси бўлди. Премьерадан олдин «Хўш, навбатдаги асарни томошабин қандай қабул қиларкин?» деган фикр хаёлимда чарх ураётганди.

Томоша давом этаётган пайтда тўсатдан театрда чироқ ўчиб қолди. Табиийки, актёрлар ижроси ҳам тўхтади... Аммо томошабинлар зални тарк этмадилар, чироқ ёнишини кутиб ўтирдилар. Демак, томоша манзур бўлган. Аввало М.Ҳасанов қаламига мансуб бу асарнинг тили содда ва равонлигини айтиб ўтиш керак. Драматургик жиҳатдан камчиликлардан ҳоли бўлмаган мазкур асар орқали муаллиф ёшларнинг дилига йўл топа олган.

Асар бугуннинг долзарб мавзуларидан бири — ёш оилалар ва улардаги «қўйди- чиқди» масалалари ҳақида.

Саҳна безаги жуда содда ишланган. Саҳналаштируви рассом А.Батиков бешик ва палаклардан унумли фойдаланган. Замонавий стол-стул, диван-креслолар томошабинга янгилик эмас. Аммо саҳнанинг ўртасидаги гилам ва унинг устига солинган кўрпачаларни актёрлар бемалол оёқ кийим билан босиб юришлари ўзбек томошабининг ғашини келтиради, деб ўйлаймиз. Европада оёқ кийими билан жойларида чўзилишлари мумкиндир, аммо бизда бундай эмас.

Саҳналаштирувчи режиссёр Ҳабибулла Файзиев нима учун спектаклда эски қуйлардан фойдаланганини тушунмадик. Эҳтимол, асар номидан келиб чиқиб «Ёрим кетаман дейди» қўшиғи қуйидан фойдаланишга қарор қилгандир. Бироқ бу қуйдан Аброр Ҳидоятов театрида ўтадиган арча байрамларида бир неча йилдан бери фойдаланиб келинади. Асар мазмунидан келиб чиқиб янги куй танланса ёки басталанса, айни муддао бўларди. Ахир, мусиқа саҳна асарининг бир бўлаги-ку.

Асосий образлардан бўлган Зуҳра ролида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Раъно Зокирована кўрамиз. Ёш келин ролини ижро этган бу актриса ижросидаги катта-кичик ролларни маза қилиб томоша қилганмиз. Аммо мазкур спектакл давомида Раъно Зокирова ижросида табиийликни ҳис этолмадик. Қосим ролидаги актёр Дилмурод Масаидов ўз ролини ишонарли талқин этишга ҳаракат қилади, аммо унга нутқи — шевада сўзлаши ҳалақит беради. Санъат институтини тугатган бу актёрнинг адабий тилда сўзлашга қийналиши кишига эриш туюлади. Эҳтимол, институтнинг саҳна нутқи ўқитувчилари бўлажак актёрларимиз тили билан янада жиддийроқ шуғулланишлари керакдир. Очиғи, бу ягона ҳол эмас. Бошқа театрларимизда ҳам кўпгина актёр ва актрисалар саҳна нутқи масаласида оқсаб қолмоқдалар. Бекзод ролини ижро этган Пўлат Норматов интилиши ва иқтидори билан эл назарига тушиб келаётган ёш актёрлардан. Пўлатнинг ижроси томошабинларни шу қадар ром этдики, кўпгина ҳолларда улар беихтиёр қарсак чалиб юбордилар. Буни актёрнинг ютуғи деб баҳолаш лозим.

Лаззат — Раъно Эгамбердиеванинг либосиданоқ кўз ўнгингизда салбий қиёфа гавдаланади. Актрисанинг ижроси ҳам шунга мос. Ўйлаймизки, актриса ўз қаҳрамонининг ички ҳис-туйғусига мукаммалроқ назар солиб, унинг салбий томонларини янада бўрттириб кўрсатишга эришса, томошабинлар ёдида қоладиган образ яратишга муваффақ бўлади. Актриса Ёқут Йўлдошева, назаримизда, томошабин юрагига йўл топишда бироз қийналиб қолмоқда. У эшикдан кириб келиши биланоқ бунга эришиши мумкин эди. Афсуски, бундай бўлмади.

Ўйлаймизки, актёрларнинг ҳар бири ўзларига топширилган рол устида пухта ишлаб, спектаклдан спектаклга ўтган сари ролларини мустаҳкамлаб борадилар. Бунинг учун уларда барча имконият етарли.

Албатта, образлар мукаммаллиги ҳақида гапиришга ҳали бор. Демак, театр ижодкорлари изланишларини давом эттиришлари зарур.

Саидахон СОТИМХОН қизи, театршунос

Суратда: *«Ёрим кетаман дейди...» спектаклидан кўриниш. С. Наследов сурати.*

САНЪАТИ УМРБОҚИЙ

Юртимизда ёғоч ўймакорлиги санъати қадим замонлардан ривожланиб келган. Бу санъатнинг асосий марказларидан ҳисобланган Хива шаҳри эса ўзининг маҳобатли ёғоч ўймакорлиги билан бутун дунёга машҳурдир. Хивада XIX аср охири — XX аср бошларида бу санъат энг юксак босқичга кўтарилган. Шу даврларда кўплаб таниқли халқ усталари, жумладан, наққош Абдулла Болтаев, наққош ва ганч ўймакори Рўзмат арбоб Машарипов, ёғоч ўймакорлар Боғибек Маҳмудов, Ота ўрачи Полвонов бой анъаналарга эга бўлган мумтоз санъатни ривожлантиришга муносиб ҳиссаларини қўшдилар.

Ота Полвонов икки асрда яшаб ижод қилган, Хива ёғоч ўймакорлик мактабининг йирик вакилларидан бири. У 1867 йили Хиванинг Қиёт қишлоғида, машҳур усталар оиласида таваллуд топган. Ўймакорлик санъати сирларини отаси Полвон ўрачи ва бобоси Абдусаттордан ўрганган. Ота Полвонов 1927 йилгача Хивада барпо этилган масжид ва мадрасалар, турар жойлар учун буюртмалар олиб, ўйма эшик ва устунлар ишлаган. 1929 йилдан Хивалаги халқ амалий санъати билан шуғулланувчи "Учқун" артелида мустақил фаолият кўрсата бошлади.

Ёдгорлик

Ота Полвонов кўплаб ўймакор устунларни ва эшикларни шогирди Сафо Боғибеков (1903-1978) билан ҳамкорликда ишлаган. Уларнинг сеҳрли қўллари билан Хива услубида такомиллашган, ўсимликсимон "айланма ислими" нақшлар уйғунлаштириб яратилган ғўзал ёғоч ўймакорлик асарлари ҳаммани ҳайратга соларди.

1937 йили улар ишлаган нақшинкор устун Парижда бўлиб ўтган ҳалқаро кўргазмада олтин медал билан тақдирланган. 1945 йили Давлат мукофоти лауреати Абдулла Болтаев раҳбарлигидаги бир гуруҳ хивалик усталар Алишер Навоий номидаги театрни миллий бадиий безатишда иштирок этдилар. Ота Полвонов ва Сафо Боғибеков театрнинг кичик фойеси ва Хива зали эшикларини ёғоч ўймакорлигининг энг жозибали намуналари билан сифатли ишлаб, шу давргача меъморчиликда унутилиб келаётган ёғоч ўймакорлиги санъатини замонавий меъморчиликда қўллаш мумкинлигини исботладилар.

Улар яратган устунлар ва икки табақали эшик Тошкентдаги амалий санъат музейини ҳам безаб турибди.

Талабалик давримда, 1969 йилнинг кузида Ота Полвонов билан биринчи марта учрашдим. Ўшанда 101 ёшга кирган уста ҳали тетик, фақат қўлоғи сал оғирроқ эди. Устанинг уйида амалий санъатга қизиқувчилар тез-тез меҳмон бўлиб турардилар. Устага у киши ҳақида мақола ёзиш ниятим борлигини тушунтирдим. Биз узоқ суҳбатлашдик.

—Қандай ёғочга ўйилган нақшлар гўзал бўлади?— деб сўраганимда уста шундай жавоб берди:

—Гужум, карамон, чинор каби қаттиқ дарахтларга юксак дид билан ўйиб ишланган нақшлар ғоят гўзал бўлиб, кишига ором бахш этади. Бунинг боиси, мазкур дарахтларнинг ўзида табиий нақшин шакл ва йўллар бўлади.

— Ўзингизга ёқадиган энг мукаммал ишларингиз ҳақида айтиб берсангиз.

— Умрим давомида яратган барча ўймакорлик ишларим ўзига яраша гўзал. Чунки қалб қўрингни қўшиб яратган асарларинг ўз фарзандингдек бўлиб қолар экан. Улар қаерда, қандай аҳволда сақланаётган экан, деб қуюнасан киши. Жуннаидхон буюртмаси билан бажарилган 2 устуннинг баландлиги 9 метр эди. Устунларга чиройли ўсимликсимон "Олма гули", япроқ, навда, "тайха" нақшлари ишланган бўлиб, уларнинг кўриниши бошқача эди. Шу устунлардан ажралиш қийин бўлди. Лекин ўша устунлар ҳозир қаердалигини билмайман.

— Ҳозир ҳам буюртма бўлса ишлармидингиз?

— Агар шундай бўлганда, шогирдим Сафо Боғибеков билан биргаликда ишлаб, набираларимга ўймакорлик сирларини ўргатар эдим.

Бу ажойиб инсон билан охирги марта 1971 йили ёзда учрашганман. Ўшанда 104 ёшли Ота Полвонов ўз қўли билан нақш чизиб эсдаликка берганди.

Ота Полвонов 1972 йили оламдан ўтди. Лекин бу ҳақда на матбуотда, на радио-телевидениеда бирор хабар ҳам берилмади. Шундай улуғ инсонда на унвон, на мукофотлар бўлган, ҳатто Парижда берилган олтин медал ҳам унинг қўлига етиб келмаган. Хонларга хизмат қилган деб рассомлар уюшмасига аъзоликка ҳам қабул қилишмаган. Фақат 1947 йили берилган "Меъморлар уюшмаси аъзоси" деган битта гувоҳнома сақланмоқда.

Минг шукроналар бўлсинки, Мустақиллик шарофати билан 1997 йили Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини янада ривожлантириш давлатимиз томонидан қўллаб-қувватланди, "Усто" бирлашмаси фаолиятини янада яхшилаш чора-тадбирлари ҳақидаги Фармон эса Ота Полвоновга ўхшаган юзлаб қўли гул усталарнинг орзуси эди.

Ота Полвонов яратган Хоразм ёғоч ўймакорлик мактабини унинг шогирди Сафо Боғибеков давом эттириб, юзлаб шогирдлар тарбиялади. Бугунги кунда Хоразмда Ота Полвонов яратган умрбоқий санъат давомчилари кўпчиликни ташкил этади.

Ўтган йил Ота Полвонов таваллуд топганига 135 йил тўлди. Халқ устасининг юзлаб шогирдлари унинг хайрли ва эзгу ишларини давом эттириб, миллий меъморчилигимиз равнақига равнақ қўшмоқдалар.

Озод СУЛТОНОВ, санъатшунос

Дунё — кенг...

СУДАНЛИК ЛИСИСТРАТАЛАР

Судан университетининг ўқитувчиси Самира Аҳмад бу мамлакатда ўн тўққиз йилдан бери давом этаётган фуқаролар урушини тўхтатиш учун ғоятда ўзига хос норозилик намойишини бошлаб берди.

«Аёллар ўз эрларини жинсий алоқа қилишдан маҳрум этиш орқали уларни биродаркушлик урушини тўхтатиб, тинчлик битимини тузишга мажбур эта олади ва бу амалга ошаётир», дейди Самира.

Араб тилида бу ҳаракат «ал-хаир» дейиларкан. Унинг маъноси «жинсий муомаладан воз кечиш». Бу ҳаракатга дастлаб Судандаги икки — лу ва жекани қабиласининг йигирма нафар аёли бош қўшишди. Мазкур қабилалар фуқаролар уруши кетаётган худуднинг марказида яшайди. Ҳозирги пайтда бу ҳаракат минглаб аёллар томонидан қўллаб-қувватланмоқда, дейди С. Аҳмад.

Самира Судандаги Shell компанияси бошлиғининг қизи, университетнинг собиқ ўқитувчиси.

Суданлик аёлларнинг бу ўзига хос норозиликлари ғояси, айтишларича, Аристофаннинг «Лисистрата» комедиясидан олинган. Бу асарда уруш жонига теккан қаҳрамон аёл эркакларни дунёвий муҳаббатдан маҳрум этиш орқали, урушни тўхтатишга мажбур этади.

«Бизнинг Суданда аёллар юмшоқ кўнгил, — дейди Самира хоним. — Аксарияти ҳеч қачон эркак кишининг райига қарши бормайди, бироқ бизнинг таъсиримиз сезиларли, айниқса, уй ичида ва биз бу таъсиримиздан фойдаланишни хоҳлаймиз».

ҚАБРДАН ЧИҚҚАН «АРВОҲ»

Молдованинг Бричани шаҳри қабристонидаги қабрларнинг бирида «арвоҳ» истиқомат қилишини ҳеч ким хаёлига келтирмаган эди.

Бир куни шу қабрга яқин-атрофда турган кишилар қабр устидаги тош оҳиста қўзғалиб, кейин секин бир четга силжиганига гувоҳ бўлишди. Ҳайратдан ёқа ушлаб турган кишилар кўз ўнгида тош ўрнида очилган ёриқдан жун босган эркак кишининг боши кўринади. Бу манзара мурданинг тирилиб гўрдан чиқиб келишини намоён этгани аниқ.

Унинг бахтига қарши бу пайт қабристонда юрганлар маҳаллий полиция бўлимининг ходимлари эди. Улар бир зум ҳушёр тортишиб, қабрдан чиққан «арвоҳ»ни синчиклаб кузатишди ва ҳаял ўтмай қўлга олишди. «Арвоҳ» шаҳар яқинидаги дала-ҳовлиларни шипшийдам қилиб юрган, қўлга тушмас Михаил исмли дайди бўлиб чиқди. Полиция уни кўп вақтдан бери қўлга туширолмай овора бўлиб юрарди.

Ўзича эски қабрни «уй-жой» қилиб олган дайди топган-тутганини шу ерга ташиб келтирган экан. Қабрнинг ичидан ўғирланган талай нарсалар топилди. Энди у хилхонани тергов изолятори билан алмаштиришга мажбур бўлди.

ЭНГ ОЛИЙ ЖАЗО

Бугунги кунда қайси давлатларда ўлим ҳукми бекор қилинганини ҳисоблаб чиқиш унчалик қийин эмас.

2001 йил октябрда ўтган Европа Иттифоқининг мажлисида ўқилган маърузада қайд этилишича, қирқ учта Европа давлатида бугунги кунга келиб ўлим ҳукми ёки тўла-тўкис бекор қилинган, ёки унга таъқиқ қўйилган. Бундай давлатлар сафига кейинги йилларда Россия, Туркия ва Арманистон қўшилди. Ватиканда эса уруш шароитида ўлим ҳукмини қўллаш ҳуқуқи сақлаб қолинган. Европадаги давлатлар орасида Белоруссияда бу жазо ҳозиргача ижро этилаётир.

Африка ва Осиёдаги деярли барча мусулмон давлатларида, шунингдек, АҚШда ҳам бу амал қўлланилаётир. АҚШнинг элликта штатидан ўттиз саккизтасида бугунгача уч минг етти юз киши олий жазога ҳукм этилган. Японияда эса бу ҳукм жуда оғир ҳолдаги қотиллик содир этганларга нисбатан қўлланади.

ИНТЕРПОЛ ОГОҲ ЭТАДИ

Дунёда сохта йўл билан тайёрланадиган пулларнинг аксарияти доллар экан.

Интерпол мутахассисларининг фикрича сохта пул ясовчилар билан самарали кураш олиб бориш учун ҳар беш ёки етти йилда янги банкнотларга ўтиш лозим бўлади. Жаҳонда энг мустаҳкам ҳимояга эга бўлган пул швецария франки ҳисобланади. Унда кўз илғамайдиган, фақат микроскопда кўринадиган тешикчалар бор. Бу тешикчалар лазер нури орқали амалга оширилар экан.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
НОШИР: «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 133-52-91, котибият — 136-56-50
Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 136-56-50 Ижтимоий ҳаёт бўлими: 133-49-93
Санъат бўлими: 136-56-48 Назм ва наср бўлими: 133-49-93

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Мурод АБДУЛЛАЕВ

Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Навбатчи муҳаррир — Гулчеҳра Умарова
Саҳифаловчилар — Ж. ЖАББОРОВ, К. АҲМЕДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй
Босишга топшириш вақти—20.00. Босишга топширилди — 21.00.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00024-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г— 162. Ҳажми — 3 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.
СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН

Тиражи—5517